Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

№ 172 (20. 140) • 1988 йил 29 июль, • жума • Баҳоси 3 тийин.

М. С. ГОРБАЧЕВ

«ЗАРЯ» ПОЙАБЗАЛ БИРЛАШМАСИГА БОРДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев 27 июль куни Москвадаги «Заря» саноат-савдо пойабзал бирлашмасига борди. Халқ истеъмоли молларини кўпайтириш программасини амалга ошириш планларида унинг коллективи янги иш усулларини ишлаб чиқишда, буюмларнинг турларини кўпайтириш ва сифатини оширишда катта роль ўйнайди. Бирлашма таркибида 8 та пойабзал корхонаси бўлиб, унинг 4 таси Москвада жойлашган.

Бирлашма бош директори А. А. Никитин, партком секретари Л. М. Шепилова, меҳнат коллективи кенгашининг раиси В. В. Бортников билан суҳбатда XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қарорлари асосидаги ишларимиз, хўжалик ҳисоби шароитида, ўз харажатини ўзи қоплаш ва ўзини-ўзи пул билан таъминлашга ўтиш шароитларида ишлар қандай бораётганлиги ҳақида батафсил гаплашиб олинди.

Бош корхона — «Парижская коммуна» фабрикасида қисқа вақт ичида ишлаб чиқаришни техника билан қайта қуроллантиришга, харидорларнинг талабларини ҳисобга олиб, ишлаб чиқариш манфаатлари билан савдо манфаатларини бирлаштиришга муваффақ бўлинди. Бирлашма ҳар йили маҳсулот турларининг қарийб 80 процентини янгилайди, тайёр маҳсулотларни ўз магазинлари тармоғи орқали сотади, пойабзал янги намуналари моделларини тайёрлайди, у социалистик ҳамда капиталистик мамлакатлар корхоналари билан амалий алоқалар боғлаган. Катта фойда олаётган бирлашма пойабзал сифатини яхшилаш ва унинг турларини кўпайтириш мақсадида ўзига хом ашё етказиб берувчилар учун маблағлар ажратади.

М. С. Горбачев коллективда меҳнат ва турмуш қандай йўлга қўйилганлиги, янги технологияларни жорий этиш муносабати билан ишчилар малакасини ошириш қандай ташкил этилганлиги, бозор ва мода қандай ўрганилаётганлиги, маҳсулотнинг рақобат қобилияти қандай , таъминланганлиги, энг яхши янги моделлар қандай оммалаштирилаётганлиги билан батафсил қизиқди.

Меҳнат унумдорлиги жиҳатидан, деди М. С. Горбачев, сизнинг корхонангиз тармоқда олдинги ўринлардан бирида туради, лекин маҳсулот сифати, турлари жиҳатидан эса ҳали камчиликларингиз бор.

Корхонанинг ҳар бир участкасида ишлаб чиқариш манфаатлари билан ишчиларнинг манфаатлари бирлиги таъминланиши учун цехларда хўжалик ҳисобини жорий этишга, янги даражага чиқиб олиш ва бундан бўён ортда қолмаслик учун фан-техника тараққиётининг муфассал планларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор бериш зарур.

Барча раҳбарлар ва жамоат ташкилотлари, деб таъкидлади М. С. Горбачев, социал-маиший масалалар ҳақида, уй-жой ва социал инфраструктуранинг бошқа объектлари қурилишини жадаллаштириш тўғрисида кўпроқ қайғуришлари лозим. Инсонга нисбатан яхши муносабатда бўлиш — энг муҳим талабдир. Биз хўжалик ҳисобини демократия билан уйғунлаштириб турмушимиз барча томонларини янгилаш вазифаларини мумкин қадар тезроқ ҳал этишни, қайта қуриш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва авж олдиришни таъминлаймиз.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари бичиқчилик цехида, заготовкалар тайёрланадиган линияда, моделли пойабзаллар цехида бўлди. Ишлаб чиқариш билан танишув давомида ишчилар билан қўпдан-кўп учрашув ва суҳбатлар бўлиб ўтди.

Шу нарса таъкидландики, мазкур фабриканинг тажрибаси пойабзал сифати проблемасини ҳал этиш ва бозорни керакли маҳсулотлар билан тўлдириш йўлларини кўрсатиб турибди. Бу маҳсулотларга аҳолининг эҳтиёжи катта. Умуман олганда эса, шу нарса пойабзалчиларимиз ишидаги танг жой бўлиб қолмоқда. Аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилаётган пойабзал миқдори жиҳатидан биз дунёда олдинги ўринлардан бирини эгаллаймиз, лекин сифатсиз пойабзал жуда кўплиги сабабли бу проблема ҳамон ўткирлигича қолмоқда.

Шундан сўнг М. С. Горбачев Г. В. Муханов номли фабрикага борди. Фабрика 1987 йилнинг май ойида Италия технологияси асосида қуриб битказилиб, тайёр ҳолда фойдаланишга топширилган эди. Фабрика аёллар, эркаклар ва болалар оёқ кийимларининг алоҳида модали турларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган. У йилига 2 миллион жуфт пойабзал ишлаб чиқариш қувватига эга. Ишлаб чиқариш жараёни шундай йўлга қўйилганки, бир моделдан иккинчисига, бир турдаги пойабзалдан иккинчи турдаги пойабзални ишлаб чиқаришга тез ўтиб олиш мумкин.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ишлаб чиқариш линияларини кўздан кечирди, ишлаб чиқариш юксак маданиятини ҳамда замонавий меҳнат шароитларини қайд этиб ўтди. Бу — пойабзал корхоналарини модернизациялашда яхши намунадир.

М. С. Горбачев мажлислар залида фабриканинг ишчи ва мутахассислари билан учрашди. М. С. Горбачев уларга мурожаат қилиб, аёллар учун ҳам, ёшлар учун ҳам, болалар учун ҳам юксак сифатли хилма-хил пойабзал ишлаб чиқаришни янада тез кўпайтириш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Марказий Комитетнинг бўлажак Пленумида бошқа проблемалар қатори халқ учун товарлар ҳақидаги, бу проблемани ҳал этишда барча резервларимиз ва имкониятларимиздан фойдаланишимиз ҳақидаги масала қатъий қилиб қўйилишини айтди. Бу тармоқ амалда эътибордан четда қолиб кетганлиги ҳаммага маълум. Ҳозир ана шу иш ўнгланмоқда. Уни ривожлантириш учун ҳамма ердан ресурслар олмоқдамиз, қолоқликни тезроқ бартараф этиш учун бу ишга мудофаа саноати корхоналарини ҳам жалб этдик.

Қайта қуриш, деб сўзида давом этди М. С. Горбачев, — ишга муносабатнинг ўзгаришидир. Бу — виждонан меҳнат қилишдир. Мана сиз, ўртоқлар, ўз маҳсулотингизнинг истеъмолчиси сифатида, ўзингиз сотиб олган пойабзалнинг пошнаси кўчиб кетса нима қилган бўлар эдингиз? Айбдорни тезроқ топиб олсангиз керак? (Кулги). Ҳар бир киши ўз иш ўрнида ўзини худди ана шундай талабчанлик билан муносабатда бўлиши лозим.

Турмуш масалалари ҳам тилга олинди. Мен ҳозиргина «Парижская коммуна» фабрикасида ишлаётган аёлларнинг бири билан суҳбатлашдим, — деди М. С. Горбачев. Бу аёл озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олиш учун ҳар куни икки соат, баъзида ҳатто уч соат вақт сарфлаётганидан шикоят қилди. Бунинг сабаби навбат кутиб узоқ туриб қолишдир. Ҳатто эркин савдода бўлган нарсаларга ҳам навбат кутиб қолинмоқда. Савдо майдонларининг етишмаслиги проблемаларнинг биридир. Шу сабабли турли идораларни қисқартириш, бўшаб қолган майдонларни хизмат соҳасига бериш керак.

Сиз, деб сўзида давом этди М. С. Горбачев, — XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси ишини кузатиш имкониятига эга бўлдингиз. Ҳозир бизда партияда ҳам, Советларда ҳам, ишлаб чиқаришда ҳам, фанда ҳам— хуллас ҳаётимизнинг барча соҳаларидаги ишларга янгича ёндашмоқдамиз. Биз сиз билан биргаликда келажагимизнинг пойдеворини қўймоқдамиз. Бизда, экономикада ҳам, социал соҳада ҳам, демократияни ривожлантиришда ҳам қайта қуришдан бошқа йўл йўқ. Ошкоралик — қайта қуришнинг энг муҳим омилидир. Халқ ҳамма нарсани билиши керак. Биз энди камчиликларимизни йиғиб қўйишимиз мумкин эмас. Баъзиларнинг қанчалик жаҳллари чиқмасин, кимнидир хафа қилиб қўйишдан қўрқмай ошкора гапиряпмиз.

Шунинг учун ҳам қайта қуриш йўлидан дадил боравериниз, кўрсатмаларни кутиб ўтирмай ўзингиз ишларни бажараверингиз, ўзингиз ҳаракат қилингиз. Ишчилар синфи қайта қуришнинг асосий таянчидир.

Залдан овозлар: Биз ҳаммамиз қайта қуриш тарафдоримиз. Биз барча зарур ишларни қилаверамиз.

М. С. Горбачев фабрикадан чиқаверишда москваликларнинг бир группаси — Красногвардейск район аҳолиси билан учрашди. Улар аҳолини сабзавот ва мева билан таъминлашга алоқадор бир қанча танқидий мулоҳазаларини айтдилар.

Бу соҳа, деб уқтирди Михаил Сергеевич, шаҳарнинг эски районларида ҳам, янги районларида ҳам аввалгидек орқада қолмоқда. Биз буни биламиз ва Москва ташкилотлари ҳозир қўшимча чора-тадбирлар кўришмоқда.

Шуни қайд этиш керакки, деб таъкидлади КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, ана шу барча камчиликларга қарамай қайта қуриш тобора жадаллашмоқда. Барчамиз КПСС XXVII съезди, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қарорларини бажариш учун актив ҳаракат қилишимиз лозим.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари Л. Н. Зайков М. С. Горбачев билан бирга бўлди.

(ТАСС).

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

СССРда ЙИҒИЛИШЛАР, МИТИНГЛАР, КЎЧА ЮРИШЛАРИ ВА НАМОЙИШЛАРИ УЮШТИРИШ ҲАМДА ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

СССР Конституцияси халқнинг манфаатларини кўзлаб ҳамда социалистик тузумни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мақсадида СССР гражданларининг йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишлари ўтказиш эркинлигини гарантиялайди. Шу сиёсий эркинликларни амалга ошириш меҳнаткашларга ва уларнинг ташкилотларига жамоат биноларини, кўчаларни, майдонлар ва бошқа жойларни бериб қўйиш билан таъминланади.

СССР Олий Совети Президиуми йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишларни уюштириш ҳамда ўтказиш тартибини йўлга қўйиш мақсадида **қарор қилади:**

1. Йиғилиш, митинг, кўча юриши ёки намойиши ўтказиш тўғрисида тегишли халқ депутатлари маҳаллий Советининг ижроия комитетига ариза берилади.

Йиғилиш, митинг, кўча юриши ёки намойиши ўтказиш тўғрисидаги ариза билан корхоналар, муассаса ва ташкилотларнинг, кооператив ташкилотлар ва бошқа жамоат ташкилотларининг органлари, жамоат ҳаваскорлиги органлари ва гражданларнинг айрим группалари вакил қилган ўн саккиз ёшга етган кишилар мурожаат этишлари мумкин.

2. Йиғилиш, митинг, кўча юриши ёки намойиши ўтказиш тўғрисидаги ариза уларни ўтказиш белгиланган муддатдан кечи билан ўн кун аввал ёзма тарзда берилади. Аризада тадбир ўтказиш мақсади, формаси, жойи ёки ҳаракат маршрутлари, унинг бошланиш ва тугаш вақти, тахминан қанча киши қатнашиши, вакиллар (ташкилотчилар)нинг фамилиялари, исмлари, оталарининг исмлари, уларнинг яшаш ва ишлаш (ўқиш) жойи, ариза берилган вақт кўрсатилади.

3. Халқ депутатлари Советининг ижроия комитети аризани кўриб чиқиб, қабул этилган қарорни аризада кўрсатилган тадбир ўтказиш вақтидан кечи билан беш кун аввал вакилларга (ташкилотчиларга) хабар қилади. Ижроия комитет зарурат туғилган тақдирда ариза билан мурожаат этган кишиларга тадбирни ўтказишнинг бошқа вақти ва жойини таклиф қилишга ҳақлидир. Қарор хусусида амалдаги қонунларда белгиланган тартибда юқори ижроия ва бошқарув органига шикоят қилиш мумкин.

Халқ депутатлари Советларининг ижроия комитети йиғилиш, митинг, кўча юриши ёки намойиши ўтказиш учун зарур шароитни таъминлайди.

4. Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишлари аризада кўрсатилган мақсадларга мувофиқ, шунингдек белгиланган муддатларда ва келишилган жойда ўтказилади.

Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари, намойишларини ўтказиш пайтида вакиллар (ташкилотчилар), шунингдек бошқа қатнашчилар совет қонунларига, жамоат тартибига риоя этишга мажбурдирлар. Қатнашчиларнинг ёнларида қурол олиб юришлари, шунингдек одамларнинг ҳаётига ва соғлиғига қарши, давлат, жамоат ташкилотларига ва гражданларга моддий зиён етказиш учун фойдаланилиши мумкин бўлган махсус тайёрланган ёки мосланган предметларни олиб юришлари тақиқланади.

5. Давлат ва жамоат ташкилотлари, мансабдор шахслар, шунингдек гражданлар белгиланган тартибга риоя этиб ўтказилаётган йиғилишларга, митингларга, кўча юришлари ва намойишларига тўсқинлик қилишга ҳақли эмаслар.

6. Халқ депутатлари Советининг ижроия комитети СССР Конституциясига, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Конституцияларига зид келадиган ёки жамоат тартибига ва гражданларнинг хавфсизлигига таҳлика соладиган мақсадда ўтказиладиган йиғилиш, митинг, кўча юриши ёки намойишини тақиқлаб қўяди.

7. Башарти ариза берилмаган, тақиқлаш ҳақида қарор қабул қилинган бўлса, шунингдек ушбу Фармоннинг 4-моддасида кўзда тутилган ўтказиш тартиби бузилган, гражданларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавф туғилган, жамоат тартиби бузилган тақдирда йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишлари ҳокимият органлари вакилларининг талабига биноан тўхтатилиши лозим.

8. Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишлар уюштириш ва ўтказишнинг белгиланган тартибини бузган шахслар ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг қонунларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Йиғилишлар, митинг, кўча юришлари ва намойишларни ўтказиш вақтида уларнинг қатнашчилари томонидан давлатга, кооператив, бошқа жамоат ташкилотларига ва гражданларга етказилган моддий зарар қонунда белгиланган тартибда ундириб олинади.

9. Иттифоқдош ва автоном республикалар Олий Советларининг Президиумлари, халқ депутатлари ўлка, область, округ, район ва шаҳар Советлари маҳаллий шароитларни ҳисобга олиб, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Конституциялари асосида ва ушбу Фармоннинг талабларига биноан йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишлари ўтказиш тартибини қўшимча равишда белгилаб беришлари мумкин.

10. Йиғилишлар ва митинглар уюштириш ҳамда ўтказишнинг ушбу Фармонда белгиланган тартиби меҳнат коллективлари ва жамоат ташкилотларининг қонунларга, ўз уставларига ва низомларига мувофиқ ўтказадиган йиғилиш ва митингларига жорий этилмайди.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
А. ГРОМИКО
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль.
1988 йил 28 июль.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети 25 июль куни бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш 1988 йил биринчи ярми плани ва давлат бюджетининг бажарилиш якунларини кўриб чиқди. Ўзбекистон ССР Госпланининг раиси И. И. Искандаров ва Ўзбекистон ССР молия министри И. И. Маматисаев докладларини муҳокама қилиш чоғида экономикани бошқаришни қайта қуриш юзасидан амалга оширилаётган ишлар республика халқ хўжалигини ривожлантиришда баъзи ижобий натижаларга эришишга ёрдам берганлиги таъкидлаб ўтилди. Миллий даромаднинг ўсиши таъминланди, саноат ишлаб чиқариши, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, давлат капитал маблағлари ҳисобига уй-жойлар, касалхоналар, поликлиникалар ва мактабгача тарбия болалар муассасаларини ишга тушириш планлари, товар оборати топшириқлари, шунингдек давлат бюджетининг даромад қисми бажарилди.

Шу билан бирга, хўжалик фаолияти ва социал тараққиётнинг асосий йўналишларида туб бурилиш бўлишига эришилмади, тўсқинлик қилиш механизми ҳали бутунлай тугатилмаган. Тармоқ ва умумиқтисодий министрликлар ва идоралар бошқарувнинг иқтисодий методларини ўзлаштира олмадилар, ўз иш услубларини ўзгартирмадилар. Меҳнатни ташкил этиш ва ҳақ тўлаш, иқтисодий ишлар масалаларида ҳали ҳам катта нуқсонлар мавжуд. Маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартнома мажбуриятлари 98,8 процент бажарилди, 117 миллион сўмлик маҳсулот кам етказиб берилди.

Аграр соҳада жиддий ўзгаришлар бўлмади. Кўзда тутилганидан камроқ озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирилди. Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё ва Тошкент областларида ғалла ўрими чўзилиб кетди. Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети (В. И. Антонов, И. Қ. Қурбонов ўртоқлар), область агросаноат комитетлари қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги катта камчиликларни, ишлаб чиқариш қуйи бўғинидаги тартибсизликларни бартарф этиш юзасидан таъсирчан чораларни кўрмаётир. Капитал қурилиш ишидаги аҳвол кескинлигича қолмоқда, кучларни ишлаб чиқариш ва социал-маданий мақсадлардаги ғоят муҳим ва ишга тушириладиган объектларга жамлаш таъминланмаган. Қурилиш-монтаж ишлари ҳажми 95 процент, асосий фондларни ишга тушириш эса атиги 85 процент бажарилди. Кўпгина корхоналар, ташкилотлар, хўжаликларнинг молиявий аҳволи бекарор бўлиб қолмоқда.

Мажлисда бошқарувнинг иқтисодий методларини жорий этиш суръатлари пастлиги учун, корхоналар ва хўжаликларни тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтишига тайёрлашдаги узилишлар учун, мавжуд ресурслардан, фан-техника тараққиёти ютуқларидан самарали фойдаланиш масалаларидаги камчиликлар учун совет ва хўжалик органларининг иши қатъий танқид қилинди. Бозорни товарлар ва хизмат билан тўлароқ таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор берилди. Планлар ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш юзасидан қўшимча топшириқлар бажарилмай қолганлигини объектив сабаблар билан оқлашга уринган Ўзбекистон ССР мебель ва ёғочсозлик саноати министри Ғ. Ш. Қурбоновнинг изоҳлари мутлақо қониқарсиз, деб топилди. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш планлари бажарилишини таъминлаш юзасидан узилкесил чоралар кўрмаганликлари учун Ғ. Ш. Қурбонов, шунингдек енгил саноат министрининг ўринбосари С. Т. Тўхтабоев, мелиорация ва сув хўжалиги министрининг ўринбосари Э. Тожиевга жазо берилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар ижроия комитети, иттифоққа бўйсунувчи бирлашмалар ва корхоналар зиммасига шу йилнинг биринчи ярми ва беш йилликнинг икки ярим йилида йўл қўйилган катта камчиликлар ва нуқсонларнинг сабабларини пухта аниқлаш ва XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси йўл-йўриқларидан келиб чиқиб экономиканинг ҳамма соҳаларида хўжалик юритиш даражасини анча ошириш юзасидан конкрет чоралар кўриш вазифасини юклади. Бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотларни молиявий жиҳатдан соғломлаштириш, уларнинг экономикасини мустаҳкамлаш программасида кўзда тутилган тадбирларни

(Давоми иккинчи бетда).

ЗАМОНДОШИМИЗ



«Одам борки одамларнинг нақшидир...» Бундайлар кўпроқ ўзини эмас, ўзгаларни ўйлайди. Уларнинг қувончи, ташвиши, дарди, мақсадига шерик бўлиб яшайди. Бир майизни қирқ киши бўлиб еганидек, бор меҳригёсини қалб тарозисида ўнлаб одамларга улашади. У тўй-тантаналарда тўрдан кўра пойгакни афзал кўради. Боиси, ният улуғ — қаерда, қандай шароитда бўлмасин инсонни қўллаш, руҳини кўтариш учун хизмат қилиш. Атрофдан маънавий мадад олган кўтаринки руҳдаги киши эса ҳар қандай тўсиқни енгиб ўтишга, ҳар қанақа чигалликни ечишга қодир.

Одам борки... алломалар айтганидек, халқ, Ватан ташвиши билан яшамаган бир кунини ҳам умр ҳисобига қўшмайди. Демак, бундай кишилар луғатида «шахсий» деган сўзнинг ўзи йўқ. Демак, унинг ўлчовидаги заррача фойдали одим ҳам коллектив учун, кўпчилик учун, давлат манфаати учун бахшидадир.

Одам борки... Шундайлардан бири камтар ва камсуқум, оддий ва однл, бағри кенг ва беғубор, забткор ва машҳур пахтакор Фикрет Сефершаевдир.

(Замондошимиз билан бўлган суҳбатни газетанинг 3-саҳифасида ўқишингиз мумкин).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎРТОҚ М. А. ЗОИДОВни ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ МИНИСТРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади: Ўртоқ Мирғиёс Аббосович Зоидов Ўзбекистон ССР халқ таълими министри этиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
П. ҲАБИБУЛЛАЕВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Л. БЕККУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри,
1988 йил 28 июль.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎРТОҚ Н. Е. ҒОИБОВни ЎЗБЕКИСТОН ССР ТЕЛЕВИДЕНИЕ ВА РАДИОЭШИТТИРИШ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ РАИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади: Ўртоқ Наим Ёвқочевич Ғоибов Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг раиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
П. ҲАБИБУЛЛАЕВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Л. БЕККУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри,
1988 йил 28 июль.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎРТОҚ Э. ТУРСУНОВни ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕЛИОРАЦИЯ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ РАИСИ ҚИЛИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади: Ўртоқ Эркин Турсунов Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги давлат комитетининг раиси қилиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
П. ҲАБИБУЛЛАЕВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Л. БЕККУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри,
1988 йил 28 июль.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ЎРТОҚ Қ. Ҳ. МАҲАМАДАЛИЕВни ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ ҚУРИЛИШ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ ҚИЛИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади: Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ўртоқ Қудратилла Ҳикматиллаевич Маҳамадалиев Ўзбекистон ССР Давлат қурилиш комитетининг раиси қилиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
П. ҲАБИБУЛЛАЕВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Л. БЕККУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри,
1988 йил 28 июль.

● УЗАРО ТЕКШИРИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ҲАМКОРЛИК—МАДАДКОРЛИК

Мусобақадош Қашқадарё области пахтакорларининг ўзаро текшириш бригадаси аъзолари Сурхондарё области колхоз ва совхозларида бўлиб, воҳа меҳнаткашларининг зиммага олган социалистик мажбуриятларини қандай бажараётганликлари билан танишдилар.

Жарқўрғон, Денов, Ангор районларида қўлланилаётган илғор тажриба мусобақадошлар диққатини жалб этди. Жумладан, Жарқўрғон районидаги 15 минг гектар майдонда чеканка вақтида, сифатли ўтказилганлиги кўпчиликни қувонтирди. Меҳмонлар мезбонларга зиммага олинган 44 минг тонна ҳосил далада ҳозирнинг ўзидаёқ борлигини, бироқ уни янада кўпайтириш учун ғўза парваришини сира бўшаштирмаслик зарурлигини айтдилар. «Социализм» колхозининг Ҳ. Абдуллаев, «Коммунизм» колхозининг Т. Номозов, «Партия XXVII съезди» колхозининг К. Абдуҳолиқов бошлиқ бригадаларида ортирилган бой тажрибалардан ўз хўжаликларида фойдаланишни ният қилганликларини таъкидлашди.

Шу билан бирга «Шарқ юлдузи» совхозида катта-катта майдонлардаги ўсимликлар чанқатиб қўйилганлигини ва ҳосил тўкилиб кетаётганлигини, суғориш ва культивация орасида муайян узилишлар рўй бераётганлигини танқид қилдилар. Ҳ. Олимжон номли совхознинг А. Бакиров бошлиқ бригадаси далаларида бегона ўт кўпайиб кетганлиги сабабли ғўзалар нимжон бўлиб қолганлигини кечириб бўлмас ҳол, деб баҳолашди. Улар Денов районидаги С. Раҳимов номли, Ленин номли, «Москва» колхозларида ҳам худди шундай манзарага дуч келдилар: ўсимлик ривожи паст, минерал ўғит беришда жиддий нуқсонларга йўл қўйилган, бостириб суғориш оқибатида ўсимлик ҳосил олмай, ғовлаб кетган. Ангор районидаги «Коммунизм» колхозида ғўза кўкига маҳлиё бўлиб, чеканка кечиктириб юборилган.

Мусобақадошлар август ойини ҳам ғўза парваришида зардоб ой деб аташни ва ўсимлик қатор ораларига ишлов бериш, маҳаллий ўғит билан озиқлантириш ҳамда суғоришни сентябрь ойигача бўшаштирмай давом эттиришни маслаҳат бердилар.

А. ҲАЛИЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

оғишмай бажариш, маҳсулот етказиб бериш юзасидан йўл қўйилган қарзнинг ўрнини тўлдириш, хўжасизлик, план ва меҳнат интизомини бузишни таг-томири билан тугатиш юзасидан қатъий чоралар кўриш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Республика халқ хўжалиги комплекси бошқаришнинг янги тармоқ ва территориал схемасига ўтиши 1988 йилда тугалланиши учун раҳбар кадрлар ва мутахассисларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш таклиф қилинди. Тармоқлар, бирлашмалар, корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликларни 1989 йил 1 январидан хўжалик юритишнинг янги шароитига ўтказишга тайёргарлик кўришга, зарур методик ва норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва уларни ўзларига қарашли ташкилотларга етказишга алоҳида эътибор бериш тавсия қилинди. 1989 йил учун хўжалик шартномалари тузишни шу йил 15 октябргача ниҳоясига етказиш, бу билан барча тармоқлар мутаносиб ишлаши учун замин таъминлаш мақсадида бу ишни ҳар томонлама кучайтириш зарур.

Министрлар Советининг мажлисида республика аҳолисининг пул даромадлари ва харажатларининг аҳволи кўриб чиқилди ҳамда бу даромадлар ва харажатларнинг мутаносиб бўлишини таъминлашда иқтисодий ишларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари белгиланди. Муҳокама давомида шу нарса таъкидлаб ўтилдики, кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, мазкур масалада ишлар аҳволи оғирлигича қолмоқда. Аҳолининг пул даромадлари зўр қийинчиликлар билан реализация қилинмоқда, касса планини бажариш мунтазам барбод бўлмоқда ва пул муомаласининг аҳволи ёмонлашмоқда. Кўп жиҳатдан экономика экстенсив йўлдан ривожланмоқда. Беш йиллиқнинг икки йилида аҳолининг пул даромадлари 7,8 процент ўсган бўлса, сарф-харажатлар 6,6 процент ўсди, чакана товар оборати эса атиги 3,6 процент ошди. Аҳоли пул даромадларининг ўсишини халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва пулли хизмат билан қоплаш фақат 66,9 процент таъминланди.

Шу йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон ССР Мебель ва ёғочсозлик саноати министрлиги, Ўзбекистон ССР Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги, Балиқ хўжалиги давлат комитети ва иттифоққа бўйсунувчи 56 корхона халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш планини бажармади. 163 корхона ўтган йилда эришилган даражага нисбатан халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни 88 миллион сўмлик камайтириб юборди. Республика Давлат агросаноат комитети, Енгил саноат министрлиги, Маҳаллий саноат министрлиги ишлаб чиқараётган товарлар сифати пастлигича қолмоқда, савдо ташкилотлари эса бундай молларнинг савдо тармоғига келтирилиши йўлига мустаҳкам тўсиқ қўймадилар. Ўзбекистон ССР Дон маҳсулотлари министрлиги, Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлиги, Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг бир қанча корхоналарида, «Ўзптицепром» бирлашмасида иш ҳақининг ўсиши меҳнат унумдорлигининг ўсишидан ўзиб кетмоқда, Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети, Ўзбекистон ССР Балиқ хўжалиги давлат комитети, СССР Медицина-биология саноати министрлиги, СССР Қора металлургия министрлигига қарашли саноат корхоналарида, Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлигининг пудратчи қўрилиш ташкилотларида эса меҳнат унумдорлиги 2-6 процент пасайган ҳолда иш ҳақи 1 процентдан 11 процентгача кўпайган.

Министрликлар ва идоралар, халқ депутатлари Советларининг ижроия комитетлари регионлар ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш, иқтисодий имкониятлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва меҳнат унумдорлигини ўстириш масалаларини аҳоли пул даромадларининг ортиши ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳамда хизматни кўпайтириш зарурати билан боғлиқ ҳолда чуқур таҳлил қилмаётирлар, бу эса тўлов қобилиятига эга бўлган эҳтиёжлар билан таклиф этилаётган товарлар ўртасидаги юз берган номутаносибликнинг асосий сабабидир.

Республика Министрлар Совети юз берган аҳволга танқидий баҳо бериб, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Савети, область ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар ижроия комитети, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқараётган ва хизмат кўрсатаётган министрликлар ва идораларнинг аҳоли пул даромадлари ва харажатлари мутаносиблигини таъминлашга доир ишларини қониқарсиз, деб топди. Совет ва хўжалик органлари раҳбарларининг мазкур масала юзасидан берган изоҳлари асоссиз ва ҳозирги талабларга жавоб бермайди деб топилди. Республика ҳукумати улардан шу йилнинг 10 августига қадар энг аввало мавжуд хом ашё ресурслари ва бошқа ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланиш, барча корхоналарни халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга жалб қилиш ҳисобига зарур миқдор, тур ва сифатдаги халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни жадал ўстириш йўли билан аҳолининг пул даромадлари ва харажатлари мутаносиблигини таъминлайдиган иқтисодий ишлар даражасини ошириш, шунингдек пулли хизматни кенг ривожлантириш ва савдо ҳамда умумий овқатланиш корхоналари иш ритмини қайта кўриб чиқиш юзасидан конкрет тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни талаб қилди.

Шу куни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Президиумининг мажлиси бўлиб ўтди. Ижрони контрол қилиш тартибида Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети, Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги раҳбарлари Т. Н. Набиев, У. Р. Умарбеков ўртоқларнинг, область ижроия комитетлари раисларининг қишлоқ жойларда район маданият уйлари ва клублари қурилиши ва уларнинг моддий-техника таъминотини мустаҳкамлашни таъминлаш борасида олиб бораётган ишлари ҳақидаги ҳисоботлари тингланди. 24 та район марказида, республикадаги деярли 4 минг посёлка ва қишлоқда маданият уйлари ва клублар йўқлиги, Ўзбекистон ССР Маданият министрлигининг 48 та қишлоқ муассасалари авария ҳолатида эканлиги, ҳар бешта маданият муассасасидан бири реконструкциялаш ёки капитал ремонт қилишга муҳтож эканлиги таъкидлаб ўтилди. Қаровсиз қолган бундай маданият ўчоқлари Қорақалпоғистон АССР, Бухоро, Жиззах, Навоий, Тошкент ва бошқа областларда айниқса кўпдир.

Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитетига, Ўзбекистон ССР Маданият министрлигига, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетларига қишлоқда маданий-маърифий муассасалар қурилишининг аҳволини таҳлил қилиб, давлат капитал маблағлари, республика ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан бундай муассасаларни фойдаланишга топшириш юзасидан қўшимча чораларни кўриш ,айни бир вақтда фойдаланишга топширилаётган клуб муассасаларини зарур ускуна ва асбоблар билан таъминлаш масалаларини ҳал қилиш топширилди.

Президиум мажлисида 1988/89 йиллар қиш даври учун чорвачиликнинг мустаҳкам озуқа базасини таъминлаш мақсадида хашак тайёрлаш ва силос бостиришнинг бориши тўғрисида Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети Раисининг, область ижроия комитетлари раисларининг ҳисоботлари тингланди. Уларга бу ишдаги мавжуд катта камчиликларни бартараф этиш ҳамда чорвачиликнинг келгуси қишловдаги эҳтиёжини тўла таъминлайдиган ҳажмда ем-хашак ресурслари жамғариш юзасидан шошилинч чораларни амалга ошириш таклиф этилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети мажлиси ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. П. Анишчев қатнашдилар.

СССР Олий Совети делегациясининг ВИЗИТИ

БУЭНОС-АЙРЕС, 27 июль. (ТАСС). Бу ерга амалий визит билан келган СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси П. Қ. Ҳабибуллаев бошлиқ СССР Олий Совети делегацияси республика вице-президенти, Аргентина миллий конгресси сенатининг раиси Виктор Мартинес билан учрашди.

Совет делегациясининг бошлиғи СССРда амалга оширилаётган совет жамияти турмушининг барча соҳаларини қайта қуришнинг чуқур ва чинакам революцион жараёнлари тўғрисида батафсил сўзлаб берди, яқинда бўлиб ўтган, партия ва бутун халқнинг янги вазифаларини белгилаб берган КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясининг аҳамиятини таъкидлади.

Қайта қуриш жараёни, деб уқтирди совет парламент аъзолари делегациясининг бошлиғи, халқаро муаммоларни ҳал этишга ёндашувдаги янгича сиёсий тафаккур билан узвий боғлиқдир. Унинг асосий моҳияти КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг 1986 йил 15 январда баён қилиб берган 2000 йилгача ядро қуролини тугатиш программасида кўрсатиб берилган. Олий даражада тўрт марта ўтказилган Совет — Америка учрашуви, АҚШ билан имзоланган ўртача ва камроқ олислик ракеталарига доир Шартнома, Афғонистондан совет қўшинларини олиб чиқиб кетиш бошланганлиги янги сиёсий тафаккурнинг конкрет ифодаси бўлиб қолди.

Совет Иттифоқида, деб давом этди у, Аргентина президенти Рауль Альфонсиннинг мамлакатимизга визитини унутганлари йўқ, бу визит иккала мамлакат ҳукуматлари ва халқлари ўртасида ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилди. Биз мавжуд дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини юксак қадрлаймиз, уларни ҳар томонлама чуқурлаштириш ва кенгайтиришни истаймиз. Визнинг назаримизда актуал халқаро сиёсатнинг жуда кўп масалалари юзасидан СССР билан Аргентина позицияларининг бир-бирига яқинлиги ёки ўхшашлиги муҳимдир.

В. Мартинес жавоб нутқида таъкидлаб ўтганидек, СССРда амалга оширилаётган янгиланиш жараёнини Аргентинада диққат билан кузатмоқдалар. Аргентина раҳбарияти ҳам деди у, ташқи сиёсат соҳасида бир қанча масалалар юзасидан қарашларнинг ўхшашлигини мамнуният билан таъкидлайди, Совет давлатининг планета халқлари тинчлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлашга қаратилган кучғайратларини илҳом билан қўллаб-қувватлайди. Ўртача ва камроқ олислик ракеталарига доир шартнома имзоланганлигини биз сидқидилдан қутладик, бироқ бу соҳада дастлабки қадамгина қўйилди, бундан сўнг бошқа қадамлар ҳам қўйилиши керак, деб ҳисоблаймиз.

Аргентина миллий конгресси депутатлар палатасининг раиси Хуан Карлос Пуглиес билан учрашув ҳам самимийлик ва рўй-ростлик вазиятида ўтди. СССРдаги қайта қуриш, деди у, Аргентинада катта қизиқиш уйғотмоқда.

Унинг фикрича, Совет — Аргентина муносабатларида улар бундан буён ҳам иккала мамлакат халқлари манфаатлари йўлида муваффақиятли ривожланиши учун мустаҳкам замин бор.

Совет делегацияси ижро этувчи ҳокимият билан миллий конгресс ўртасидаги алоқалар комиссиясининг раиси Карлос Гомонд билан ҳам суҳбатлашди. Делегация Лотин Америкаси парламентининг раиси, сенатор Луис А. Леон билан ҳам учрашди.

СССР Олий Советининг делегацияси Уругвай бош ассамблеяси (парламенти) таклифига биноан сешанба куни расмий визит билан Монтевидеога келди.

Пойтахт аэропортида П. Қ. Ҳабибуллаев матбуот вакилларига делегация мамлакатларимиз парламентлари ўртасида амалга оширилаётган амалий фикрлашиб олишни давом эттириш ниятида эканлигини айтди. Бизнинг мулоқотимиз халқаро муаммоларнинг кенг доирасини, шунингдек ҳурмат, аралашмаслик ва ўзаро ҳамкорлик принциплари асосида муваффақиятли ривожланиб бораётган икки томонлама муносабатлар масалаларини ўз ичига олади.

Парламент ва жамоат доиралари намоянларини ўртасидаги алоқалар, деб таъкидлади у, энг муҳим жаҳон муаммоларини ҳал этишда аввало ядро-космик асрида инсониятнинг омон қолишини таъминлаш ишида ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликни ривожлантириш учун алоҳида аҳамиятга молликдир. Бу соҳада ҳеч кимга асосий ёки иккинчи даражали роль ажратилмаган. Жаҳондаги сиёсий ва иқтисодий вазиятни соғломлаштириш — муштарак вазифа бўлиб, уни ҳал этишга, истисносиз, барча давлатлар ўз ҳиссаларини қўшишлари керак.

ГАЗЕТАЛАР САҲИФАЛАРИДА

ДЎСТЛИК ҚУДРАТИ

Чуст райони интернационал районлардан бири ҳисобланади. Район меҳнаткашлари айни пайтда Косонсой райони ва қўшни Қирғизистон ССРнинг Олабуқа райони меҳнат аҳли билан кўп йиллардан бери мусобақалашиб ишламоқдалар. Бир-бирларининкида тез-тез бўлиб пахтачилик, чорвачилик, боғдорчилик ва бошқа соҳаларда фақат маслаҳатгина эмас, амалий ёрдам ҳам бермоқдалар. Яқинда «Чуст ҳақиқати», Косонсой район «Ленинчи», Олабуқа район «Эмгек данкы» газеталарининг ана шу дўстликка бағишланган қўшма сони чиқди. «Дўстликдадир обрў, кучимиз, шу дўстликни олқишлайлик биз» умумий сарлавҳаси остида берилган мақолаларнинг барчасида ҳам халқларимиз ўртасидаги биродарлик, амалий ёрдам мавзуси тараннум этилган. Қўшма сонда оддий меҳнатчилар, зиёлилар ўз коллективлари ҳаёти ҳақида, қайта қуриш, янгиланиш қандай амалга оширилаётгани, план ва мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун нималар қилинаётгани ҳақида батафсил ҳикоя қиладилар.





Шахтёрлар шаҳри Ангренда янги «Скалярия» магазини иш бошлади. У «Ясная поляна» кооперативига қарашли бўлиб, юз хилдан ортиқ акварнум балиқлари билан савдо қилмоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. «Ясная поляна» кооператив раиси В. Карпов [чапда]. 2. Кооператив магазини мудири В. Цой [ўртада] харидорлар билан. Бу ерда сотилаётган акварнум балиқлари давлат савдосидагидан анча арзон.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ фотолари (ЎзТАГ).

• Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Илгари хабар қилинганидек, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 21 июлда бўлган мажлисида муҳокама этилган масалалар қаторида Қашқадарё области халқ депутатлари Советларининг республика матбуотида эълон қилинган «Аёл кишининг фожиали қисмати» мақоласи тўғрисида» республика Олий Совети Президиумининг қарорини бажариш соҳасидаги иши кўриб чиқилди.

Ҳақиқатан ҳам фожиали, илгари зўр бериб хаспўшлаб келинган муаммони ҳал этишни биринчи марта давлат вазифаси, умумхалқ вазифаси даражасига кўтарган ана шу ҳужжатнинг мазмунини қисқача эслатиб ўтамиз. Унда гап ҳар йили аёллар, асосан 30 ёшгача бўлган жувонлар, жумладан кўпгина қизлар ва балоғатга етмаганлар ўзини ўзи ёқиб юбораётганлиги ва шундай қилишга уринаётганлиги каби кўпдан-кўп воқеалар тўғрисида боради. Қарорда таъкидлаб ўтилганидек, республика учун шармандали, бизнинг жамиятимизда тоқат қилиб бўлмайдиган шундай ҳодиса турғунлик йилларида аҳолининг бир қисмида ёт психология ва ахлоқ, патриархал турмуш сарқитлари жонланиб қолганлиги натижасида мумкин бўлди. Фожиали тугаган деярли ҳар бир аёл тақдирида тинкани қуритадиган уй меҳнати, оиладаги оғир маънавий-психологик муҳит, хотин-қизларга бой-феодалларча муносабат, уларнинг инсоний қадр-қимматини таҳқирлаш намоён бўлмоқда.

Республика Олий Совети Президиуми мана шу ва бошқа сабабларни чуқур таҳлил этди. Қарорда республика халқ депутатлари Советларига, министрликлар, идораларга, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ва жамоат ташкилотларига вазифалар, шунингдек иш айниқса нохуш бўлган территориялар аниқ-пухта белгиланиб, конкрет топшириқлар берилди.

Бундай регионлар орасида Қашқадарё области бўлиб, бултур у ўзини ўзи ёққан хотин-қизлар сони жиҳатидан машъум пешқадамликни қўлга киритди. Зотан шу нарса мутлақо табиийки, республика давлат ҳокимияти Олий органининг қарори қандай бажарилаётганини, салбий ҳодисаларга қарши кураш қай тарзда олиб борилаётганини, унинг натижалари қандайлигини айни шу ерда текшириш зарур, деб топилди.

Натижалар кишини жуда ҳайратга соладиган бўлиб чиқди. Ўтган йили областда ўзини ўзи ёқиш ҳоллари 36 марта қайд этилган бўлса, ҳозирги ярим йилнинг ўзидаёқ салкам 30 та жонли машъала ловуллаб ёнди. Областдаги турли давлат, хўжалик ва жамоат ташкилотларининг фаолияти якунлари қониқарсиз бўлди.

Қашқадарё область ижроия комитети раисининг ўринбосари Р. А. Рўзибоевнинг ҳисоботи равшанлик киритмади. Ҳисобот замон руҳида ўз-ўзини танқиддан иборат бўлишига қарамай, унинг кўп қисми умумий гап-сўзлар ва фикр-мулоҳазалардан, оддий ҳақиқатлардан бабларини бартараф этишга доир жонли амалий ишга ҳали ҳам киришганлари йўқ. Сабаблар эса ҳамон ўша-ўша, оғир жисмоний меҳнат, хотин-қизларнинг жамоат турмушидан, меҳнат коллективларидан ажралиб қолганликлари, носоғлом оилавий аҳвол, патриархал турмуш сарқитлари бўлиб қолмоқда.

Маҳаллий Советлар, уларнинг ижроия комитетлари, соғлиқни сақлаш органлари оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун талабларини бажариш соҳасида яхши ишламаётганликлари аёлларнинг, айниқса кўп болали аёлларнинг аҳволи оғирлигича талай даражада сабаб бўлмоқда. Областда профилактика ишлари ниҳоятда суст йўлга қўйилган. Ўзини ўзи ёқишакар йўқ, қишлоқларда қулай болалар пойабзалини, мебель, бошқа молларни сотиб олиш амримаҳол. Уч ойгача область магазинларида кир совун харид қилиб бўлмаганлиги факти Президиум мажлисида ғазабланиб қайд этилди. Бунга тақчилликни, кўпинча эса область аҳолисига маиший хизматлар кўрсатилмаётганлигини илова қилиб кўринг. 178 та колхоз ва совхознинг фақат 77 тасида маиший хизмат уйлари мавжуд бўлиб, ярмидан кўпи маиший хизмат кўрсатиш ҳамда буюртмаларни қабул қилиш комплексларига эга эмас. Айни вақтда кўзда тутилган 18 та янги маиший хизмат уйининг атиги биттаси қурилган. Яна иккита рақамни келтириб ўтамиз: ҳар йили областда уч мингдан зиёд ҳаётга қайтарилган деб ҳисобланган 13 мингга кўпайиб бормоқда. Шундай қилиб, аёлларни уй-рўзғор ишларига боғлаб қўйиш мавжуд бўлибгина қолмай, у кучайиб бормоқда.

Советларнинг ижроия комитетлари хотин-қизларни ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этиш, улар учун қулай иш режимини яратиш масалалари билан амалда шуғулланмаяптилар. Бутун республикада сут соғувчилар икки сменали иш режимига ўтказилмоқда, фақат Қашқадарёдагина сут-товар фермаларида банд бўлган хотин-қизлар эрта тонгдан қош қорайгунгача дам олиш кунларисиз меҳнат қилмоқдалар. Кўп аёллар хўжаликларда оғир жисмоний ишларга солинмоқда.

Ўрта мактабларни битириб чиқувчи қизларни ишга жойлаштиришда тобора кўпроқ қийинчиликлар юзага келмоқда. Бу ҳам областнинг кўпгина районларида қалин тўлашга, балоғатга етмаган қизларни узатишга, қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳларга шу пайтга қадар барҳам берилмаганлиги сабабларидан биридир. Пренинг фаол жамоат ташкилотлари активларининг асосий куч-ғайратлари айни шу ерда, истиқомат жойларида сарфланиши керак. Профилактика ишлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фаолиятида ҳам асосий ўрин тутиши керак, бу эса рўй берган фожиаларнинг сабабларини синчиклаб ўрганиш, айбдорларни жавобгарликка тортиш муҳимлигини ҳам йўқотмайди, албатта. Аммо ҳозирча областда бундай ишлар қилинмаяпти. Мансабдор шахслар аввалгидек ҳозир ҳам ёш оилаларда бўлишни истамаяптилар. Сабр косаси тўлган аёлларнинг ўзлари қишлоқ ёки посёлка Советларининг ижроия комитетига, милицияга келган камдан-кам ҳолларда эса яна расмиятчиликка, сансалорликка учрадилар. Дарвоқе, область ижроия комитети бундай ҳолларнинг биронтасига ҳам, шунингдек ўзини ўзи ёқиш ҳоллари энг кўп содир бўлган Ульянов, Янгиобод, Ғузор ва Усмон Юсупов район Советлари ижроия комитетларининг фаолиятига ҳам принципиал баҳо бермади. Мансабдор шахслар ўзларининг ёнгинасида содир бўлаётган фожиаларга нақадар лоқайд бўлиб, вужудга келган ташвишли вазиятни лоақал шунчаки билишни ҳам истамаётганликларидан далолат берувчи яна бир фактни кўрайлик: Қарши шаҳар ижроия комитетининг раҳбарлари шаҳар озиқ-овқат маҳсулотлари савдоси бошқармасининг сотувчиси А. 26 март куни ўзини ёқиб юборганлигини областдаги ишларнинг аҳволини ўрганиш учун июнь ойида келган президиум ходимларидангина билиб олдилар.

Қашқадарё области маҳаллий Советлари ва уларнинг ижроия комитетлари, хўжалик ва жамоат ташкилотлари, хотин-қизлар кенгашлари ҳамда маҳалла комитетлари суткашликларининг намоён бўлган манзараси худди ўша мажлисда маҳаллий ҳокимият органларининг ўз аҳолиси юмушларига чинакам амалий, соҳибларча муносабати намуналарига айниқса зид бўлиб кўринади. Масалан, Наманган область Норин район Советининг депутатлари шахсий намуна кўрсатиб, юртдошларини сафарбар этдилар ва бир ой мобайнида ҳашар йўли билан мактаблар қошида 3200 ўринли ошхоналарни барпо этдилар. Улар «юқоридан» фондлар, маблағлар ажратилишини кутиб туришлари мумкин эди, албатта, биноларни ҳам анча пухтароқ ва яхшироқ қуриб олишарди... аммо болаларни мактабларда ҳозир овқатлантириш керак, «объектив сабаблар» билан қорин тўймайди.

Бухоро областининг Свердлов район Советида 95 сайлов округининг ҳар бирига паспорт тузилган. Шу паспортларда сайловчиларнинг наказлари, ер участкаларига, уй-жойлар, бинокорлик материалларига бўлган талаб-эҳтиёжлар тўғрисидаги маълумотлардан ташқари нотинч ва тўлиқ бўлмаган оилалар, ёлғиз кекса кишилар, қамоқдан қайтган шахслар тўғрисидаги, қайси оилаларда зарур рўзғор буюмлари —кир ювиш машиналари, телевизорлар, мебель йўқлиги ҳақидаги маълумотлар ҳам ёзиб қўйилган.

Яъни ҳар бир депутатнинг қўлида ўз округининг конкрет социал «портрети» туширилган ҳужжат бўлиб, бу юртдошлар ҳаёти ва турмушининг энг муҳим муаммоларини назорат қилиб туриш имконини беради...

Қунт билан ҳар куни амалий иш олиб бориладиган вақт келди, деб таъкидлашди мажлис қатнашчилари. Чуқур ўйланган қарорларни қабул қилиш муҳим, аммо уларни рўёбга чиқаришни чўзиб юбориб, ишни унинг муҳимлиги тўғрисидаги гап-сўзларга айлантириб юборган тақдирда ўйланган нарсаларнинг кўпи сув қумга сингиб кетгандек йўққа чиқиши мумкин. Қашқадарёликларнинг Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарорини бажариш соҳасидаги фаолияти бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдирмоқда.

«Қайта қуриш» ниқобига бурканган эскича ёндашувларнинг яна бир ташвишли белгисини айтиб ўтиш керак. Президиум мажлисида республика соғлиқни сақлаш ва маданият министрларининг нутқлари ҳам, шунингдек бошқа бир қанча министрликлар ва идоралар раҳбарларининг лом-мим демай сукут сақлаганлари ҳам бунга муайян туртки бўлди. Одатда беш, ўн йил, агар муваффақ бўлинса ундан ҳам кўпроқ йилларга мўлжалланган фундаментал, перспектив, кўп тармоқли программалар тузиш билан машғул бўлиш ана шундай эскича ёндашув белгилардандир. Бир-икки йиллик муддатга қараганда кўпроқ йилларга мўлжалланган ваъдани бериш анча осон-да?

Президиум стратегик вазифаларни ҳал этишга фундаментал ёндашувларни асло рад этмай ҳозир ҳал этилиши мумкин ва лозим бўлган муаммоларни ҳеч кечиктирмай ҳал қилишга, сийқа усул ва сафсатабозликдан халос бўлиб, иш услубини қатъий равишда қайта қуришга, турғунлик давридаги эскиликларни бартараф этишга даъват қилди. Бунда ҳам кўп нарса ўзимизга, ишни ташкил этиш маҳоратимизга боғлиқдир. Мартабаси ва фаолият соҳасидан қатъий назар, ҳар бир депутат ҳамда сочи ходими, ҳар бир раҳбар шу фикрга қатъий амал қилиши керак. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг мажлисида бўлиб ўтган жиддий, ҳаққоний ва жуда ўз вақтида қилинган муҳокаманинг асосий сабоғи мана шундадир.

МЎЪТАБАР ҚАРОР ПАНОҲИДА

ёки Қашқадарё областидаги Совет органлари раҳбарларининг фаолиятсизлиги

ва республика органларининг етарлича ёрдам бермаётганидан нолишдан бошқа нарса бўлмади. Ҳисобот областда ҳеч иш қилинмаётгандек таассурот қолдирди. Унинг муҳокамаси қатнашчиларидан бири аниқ таърифлаб: областда бу иш билан ҳеч ким шуғулланмаяпти, деган таассурот туғилмоқда, деди. Шундан кейинги муҳокама бу гапнинг ҳақиқатга яқинлигини кўрсатди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг қарорини кўриб чиқиш ҳамда ноконкрет, юзаки қарор қабул қилиш учун область ижроия комитетига қарийб икки ой вақт керак бўлди. Аслини олганда, область маҳаллий Советларининг қолган ижроия комитетлари ўша қарордан деярли нусха кўчириб, ҳатто вужудга келган аҳволни акс эттиришга, лоақал ўткир муаммоларни ҳал этиш йўллари ва воситаларини белгилашга ҳам уриниб кўрмадилар. Хуллас, навбатдаги қоғоз оқими областдаги совет органларининг юқоридан қуйисигача тушди, бу органлар конкрет йўл-йўриқларни рўёбга чиқариш, одамларнинг шунгдоққина кўз олдида содир бўлаётган фожиаларнинг сабабларини биридир. Пренинг фаол жамоат ташкилотлари активларининг асосий куч-ғайратлари айни шу ерда, истиқомат жойларида сарфланиши керак. Профилактика ишлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фаолиятида ҳам асосий ўрин тутиши керак, бу эса рўй берган фожиаларнинг сабабларини синчиклаб ўрганиш, айбдорларни жавобгарликка тортиш муҳимлигини ҳам йўқотмайди, албатта. Аммо ҳозирча областда бундай ишлар қилинмаяпти. Мансабдор шахслар аввалгидек ҳозир ҳам ёш оилаларда бўлишни истамаяптилар. Сабр косаси тўлган аёлларнинг ўзлари қишлоқ ёки посёлка Советларининг ижроия комитетига, милицияга келган камдан-кам ҳолларда эса яна расмиятчиликка, сансалорликка учрадилар. Дарвоқе, область ижроия комитети бундай ҳолларнинг биронтасига ҳам, шунингдек ўзини ўзи ёқиш ҳоллари энг кўп содир бўлган Ульянов, Янгиобод, Ғузор ва Усмон Юсупов район Советлари ижроия комитетларининг фаолиятига ҳам принципиал баҳо бермади. Мансабдор шахслар ўзларининг ёнгинасида содир бўлаётган фожиаларга нақадар лоқайд бўлиб, вужудга келган ташвишли

«ПЛАН УЧУНГИНА ИШЛАМАЙМИЗ»

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ АЪЗОСИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ДЕПУТАТИ, XIX БУТУНИТТИФОҚ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ДЕЛЕГАТИ, ЧИНОЗ РАЙОНИДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН ССР 30 ИЙЛЛИГИ» КОЛХОЗИНИНГ БРИГАДИРИ ФИКРЕТ СЕФЕРШАЕВ БИЛАН СУҲБАТ

— Анъанавий савол: партия конференцияси дунёқарашингизда, меҳнат фаолиятингизда қандай ўзгариш ясади?

— Москвадан бир нарсага имоним комил бўлиб қайтдим: ишлаш керак! Ҳеч ким бошқа кишининг зиммасидаги юмушни бажариб бермайди. Ҳеч ким бригадамиздаги, колхозимиздаги қайта қуришни амалга ошириб бермайди. Ҳар ким — деҳқон ҳам, ишчи ҳам, олим-у министр ҳам ўз ўрнида, ўз иш участкасида қайта қуриш вазифаларини амалий жиҳатдан ҳал қилиши керак. Мажлисларда ҳукм сурган руҳни, ўша кунлардаги вазиятни гапириб ўтирмайман — буни ҳамма кўрди, эшитди, ўқиди. Бир гап шуки, конференция бизга қандай яшаш, ишлаш, курашишдан бетакрор сабоқ берди.

— Энди ишга муносабат хусусида: бугунги деҳқонининг ота-боболаридан фарқи нимада?

— Шоир айтганидек, «Ҳар даврнинг ўз зийнати бор, ҳар даврнинг ўз фазилати». Гоҳида бугунги кунда деҳқон ўз ота-оналаричалик қаттиқ ишлолмайди, деган гап-сўзларни эшитиб қоламан. Бу — туҳмат, бу — қишлоқ одамларининг ҳаётини, орзу-умидини билмаслик оқибати. Тўғри, ҳозир трактороғи йигит машинасини галстук тақиб ҳайдаётганини кўрамиз. Хўш, бунинг нимаси ёмон? Гоҳида далага радиола кўтариб кетаётган пахтакорга кўзим тушиб қолади. Билсангиз, шунда завқланиб кетаман, бир пайтлари қандай ишлаганларимизни эслайман.

Эски меҳнат билан ҳозирги меҳнат орасида ер билан осмонча фарқ бор. Кечқурун универсал картерини очиб қўйиб, эрталаб мурватларини тортиб олардикда, культивацияни бошлайверардик. Қўл меҳнатининг салмоғи ниҳоятда кучли эди. «Сув тара!», «Бу ерни чопиқ қил!», «Пахта теримини шу бугун бошлайсан!», Эҳ-ҳе, деҳқоннинг тепасига келиб олиб, қўлига умрида кетмон ушламаган «вакиллар»нинг бақириб-чақиришини кўринг эди.

Бугун пахтакор ўз ерининг хўжайини. Хусусан, колхозимизда шундай: коллектив пудрат асосида ишлаймиз. Бизга ақл ўргатишнинг ҳожати йўқ. Қачон экиб, қачон чеканкани бошлашни ўзимиз яхши биламиз. Янги тажриба, илмдаги янги фикр, пахтачилик техникасининг янги, яна ҳам унумли, қулай намунаси — бошқа гап. Буларни ўзимиз қидирамиз, истаймиз.

Қисқаси, яна шоир айтганидек, «Ишла, ишлов вақти келди». Фақат билиб, ўқиб, маънисига етиб ишла. Ўз фикринг, ҳаётий мезонларинг бўлсин. Бугунги пахтакор тийинни ҳисоблайди. «Тома-тома кўл бўлур!» — деган мақол деҳқон меҳнатига янгича мазмун билан сингиб боряпти. Шу ўринда гап пахтакор меҳнатининг баҳосига келиб тақалади?

— Бора-бора пахтазорларда эркаклар кўринмай қолди. Бунинг сабаби нимада?

— Ҳамма гап турмушнинг моддий асосига бориб тақалади. Бола-чақа боқиш керак. Орзу-ҳавас... Рўйи-азалдан буларни ўйлаш, оила тебратиш ташвиши эркаклар зиммасида.

Очиғи, пахта даласидаги бугунги меҳнат одамларнинг эҳтиёжини қондиролмай қўйди. Йил—ўн икки ой ташвишини қилиб, ҳаловатимиздан кечиб, офатларни бартараф этиб етиштирган пахтамизнинг харид нархи паст. Ҳозирги нарх ўлчовлари пахтачиликни ривожлантиришдаги асосий тўғаноқлардан бирига айланди. Пахтакор бир гектардан кўп деганда икки минг сўм даромад жамғаради. Техника, бошқа хизматларнинг нархи баланд. Охир-оқибатда пахтакорга ушоғи қолади.

Мана, кўринг: колхозчи тўрт ой ишлайди. Жилла борса — беш ой. Беш гектар ғўзани ёз бўйи парваришлаб, 600 сўмдан салгина ортиқроқ даромад олади. Бу қандай меҳнатлигини, қанча куч, матонат, жонфидолик талаб қилишини далада бир мавсумгина ишлаган одам билади.

Қисқаси, пахтага ҳақ тўлаш тартиби ислоҳга муҳтож. Бу ҳақда ҳам конференцияда гапирилди. Нарх ислоҳоти комплексида пахтанинг харид нархи ҳам кўриб чиқилиши керак. Пахтакор манфаати, давлат манфаати шуни тақозо этади.

— Бригада кенгашлари иш бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Уларнинг «ҳосил учун ишлаш» қандай намоён бўлмоқда?

— Бизнинг бригадамизда бу кенгашга мен, ҳисобчимиз Абдужаббор Акимов, механизатор Айдер Фоттохов, сувчи Абдураҳмон Бектўраев, колхозчи Гулойша Араббоевалар аъзо. Ҳар ўн беш кунда ҳаммамиз биргаликда парваришнинг боришини кўриб чиқамиз. Чала, қўл учида, нари-бери ишланган участка соҳиби билан гап қисқа бўлади: шу ишлов учун ҳақнинг 20, гоҳида 30 проценти чегириб қолинади.

Кенгаш аъзолари гоҳи сифатсиз ишни кўриб: «Бригадир, нега қарамадингиз?» — деб сўраб қолишади. Бирор кишини аяб, истиҳола қилиб ўтирмайди. Ўзлари ишда ибрат, ҳалол. Шундай бўлгач, бошқаларга ҳам талаб қўя олишади.

Шу кунларда сувчи, механизатор меҳнатини ташкил этишга алоҳида эътибор берямиз. Бригада кенгаши аъзодари улар меҳнатининг сифатини алоҳида назорат қилишаётир. Нахан Анорқулов, Муса Боймуродов сингари сувчиларимиз ғўзани кеча-кундуз қондириб суғоришмоқда. Иш сифати учун кўпинча 15 процентгача қўшимча ҳақ олишяпти.

Бригада кенгаши демократиялаш, ошкоралик шароитида асосий тарбия, мустақил бошқарув механизмига айланиб боряпти.

— Бригада далаларида пахтазорлар билан ёнма-ён маккажўхори, беда пайкаллари, полиз ҳам кўзга ташланяпти. Алмашлаб экишга тўла ўта олдингизми?

— Бригадамизга муқим 200 гектар экин майдони пудрат асосида биркитилган. Қаерга нима экишни бригада кенгаши мутахассислар тавсиясига асосланиб ҳал қилади.

Билсангиз, қирқ йилдан буён беда экилмаган майдонлар бор эди. Турғунлик йилларида: «Нима бўлса бўлсин, пахта бўлсин!» — деб талаб қилишарди. Озуқа экинларига камҳосил, шўрланган ерлар ажратиларди. Ҳосиботларда беда сепдик, макка экдик, деб кўрсатиларди-да, пахта етиштирилаверарди. Ер ҳам бамисоли тирик жон: толиқади, касалланади. Бир пайтлари вилт балоси ёпирилганлиги ҳам нуқул пахта экилаверишидан эди.

Энди аҳвол бошқача: алмашлаб экиш узлуксиз жараёнга айланди. Бу йил 130 гектарда пахта етиштиряпмиз. 30 гектар майдонда маккажўхори, 40 гектарда беда бор. Экинлар далалар бўйича қатъий алмаштириб борилади.

— Ҳар бир кишининг, пудрат асосидаги бригаданинг эса алоҳида мақсадлари бўлади. Режаларингиз ҳақида гапириб берсангиз.

— Мақсадимиз — мўл, сифатли, эртапишар пахта етиштириш. Эсингизда бўлса, турғунлик йиллари ҳам шу ҳақда гап бўларди. Лекин амалда ҳаракат бошқача тус оларди. Эндиликда — тўла хўжалик ҳисоби, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш шароитида бу шиор ҳар қачонгидан кўра конкрет, реал мазмун касб этди.

Биз план учун ишламаймиз, ортиқча пахта учун ишлаймиз. Бунинг маъноси шуки, қўшимча ҳосил, аниқроғи, пландан ташқари етиштирилган сифатли ҳосил қўшимча даромад манбаи. Пахтакорнинг бугунги даромади манбалари аниқ. Кам меҳнат сарфлаб, чигит-у, минерал ўғитни, техникани тежаб, кўпроқ сифатли пахта олсак деймиз. Бугун қайси ишга қанча сарфлаш кераклигини биламиз — чек қўлимизда. Ҳаражатларни камайтирсак, тежалганидан 60 процентгача қўшимча ҳақ оламиз. Сифатли пахта сотсак, яна қўшимча ҳақ. Пландан ортиқча сотсак яна.

Лекин булар пахтакорнинг қўйни-қўнжи пул, деган гап эмас. Асло. Аҳвол қандайлигини ҳам айтдим. Пахтачиликда нарх ислоҳоти зарур.

Ўзимиз ҳам қўл қовуштириб ўтираётганимиз йўқ. Ўтган йили мўл пахта етиштирдик, лекин куз ҳавоси паст келиб, фақат 62 процент ҳосилни биринчи сортга сотдик. Иш ҳақининг бир сўмига атиги 81 тийиндан қўшимча олдик. Бурноғи йили 1 сўм 37 тийинга қўшимча ҳақ олган эдик. Бу йилги ниятимиз шунга яқинлашиб бориш, имкон топсак, яна бироз илгарилаш.

Ҳозир ғўзанинг ривожи яхши. Барча куч-воситалар, резервлар кўсакни кўпайтириш, бинобарин мўл ҳосил тўплашга қаратилган. Колхозимизнинг ярим йиллик йиғилишида менга ҳам сўз беришди. Кўпчилик ўртасида 40 центнердан ҳосил оламиз, деб ваъда бердим. Айниқса, ҳозирги қайта қуриш даврида сўз-ваъда билан пировард натижа ўртасидаги узилиш кишини бебурд қилиши, ишончсизлик туғдириши табиий, албатта. Шу боис, бригада коллективи диққат маркази белгиланган маррани эгаллаш йўлида орттирилган жами тажрибаларни ишга солишга қаратилган. Зеро, бундай қадамсиз на давлатга ва на ўзимизга биз истаганимиздек манфаат келтириб бўлмайди.

Суҳбатни «Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари Ж. САЪДУЛЛАЕВ билан А. МАННОПОВ ёзиб олди.

Яхши дам — меҳнатга ҳамдам



• ФОТОЛАВҲАЛАР



«Партия XXIV съезди» колхози — Учқўрғондагина эмас, Наманган областида илғор хўжаликлардан бири. Колхоз заршунослари бу йил 1142 гектар майдонда деҳқончилик қилишяпти. Уларнинг мақсади — гектар бошига пландаги 32 центнер ўрнига 35 центнердан «оқ олтин» ҳосили кўтариш.

Шу кунларда хўжаликнинг ҳамма участкаларида қизғин олиб борилаётган дала ишларида коммунист Турдимат Нурматов бошлиқ бригада пешқадамлик қилмоқда. Чорак асрдан буён коллективга сардорлик қилаётган Т. Нурматов фотомухбирларимиз билан бўлган суҳбатда шундай деди:

— Бригадамизда 68 киши ва тўртта оилавий звено аъзолари меҳнат қилишади. Улар ўз ихтиёридаги 154 гектар майдоннинг ҳар гектаридан бу йил ҳар қачонгидан кўп — 36 центнердан дурдона кўтаришга бел боғлашган. Бу юксак маррани эгаллаш учун шу кунларда ғўза парваришини тобора кучайтириб, зарур агротехник тадбирларни қисқа муддатларда, сифатли ўтказиш учун жон куйдиришяпти.

Суратларда: [юқоридан] бригада бошлиғи Т. Нурматов билан колхознинг бош агрономи А. Исмоилов чеканка қилинган пайкаллар сифатини кўздан кечирмоқдалар; Хўжалик далаларида механизациялашган чеканка давом этмоқда; Колхоз дала шийпони ёнида ташкил этилган болалар боғчасидан бир кўриниш — колхозчилардан А. Нурматова билан Ю. Мингбоева тушлик пайти ўз дилбандлари ёнида; Механизатор Қ. Уролов ҳордиқ чоғида.

В. МОЛГАЧЕВ ва Т. ҲАМРОҚУЛОВ фотолари.





ГАЗЕТАДА БОСИЛМАДИ, АММО ЧОРА КЎРИЛДИ

НАМАНГАН ОБЛАСТ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ:

— Учқўрғон районидаги 31-ўрта мактаб ўқитувчиси С. Камбаровнинг 12, 14, 31-мактаблар ўқувчиларини қишлоқ хўжалик ишларига жалб этганлиги тўғрисидаги хати ўша жойнинг ўзида кўриб чиқилди.

Ҳақиқатан ҳам шу йилнинг май ойида кучли ёмғир ёғиб ўтгандан сўнг Учқўрғон районидаги 12, 14, 31- мактабларнинг 7-10-синф ўқувчилари қишлоқ хўжалик ишларига жалб этилганлар.

Хат юзасидан ўтказилган текшириш якунлари район агросаноат бирлашмаси советининг кенгайтирилган мажлисида кўриб чиқилди. Бунда 12, 14, 31-мактаб ўқувчиларини ўзбошимчалик билан қишлоқ хўжалик ишларига жалб этганлиги учун Ленин номли колхоз раиси С. Бозоровга ҳайфсан берилди. Район халқ маорифи бўлими кенгаши қарори билан 12, 14, 31-мактаблар директорлари В. Маннобжонов, О. Носиров, О. Иброҳимовлар огоҳлантирилдилар.

ЮЗАКИ ЖАВОБ КИМГА КЕРАК!

Элликқалъа районидаги «Дўстлик» колхозида яшовчи Н. Муллаева редакциямизга йўллаган шикоят хатида айрим шифокорлар ўз вазифаларига совуққонлик ва масъулиятсизлик билан қараётганлари тўғрисида ёзган эди. Ушбу ариза текшириш ва чора кўриш учун Қорақалпоғистон АССР Соғлиқни сақлаш министрлигига юборилган эди. У ердан министр ўринбосари З. Юсупова имзоси билан қуйидаги юзаки жавоб олинди: «Н. Муллаева хати министрлик комиссияси томонидан кўриб чиқилди. Унда кўрсатилган фактлар қисман тасдиқланди. Айбдор шахслар маъмурий тартибда жазоландилар».

Савол туғилиши табиий: бундай қуруқ, юзаки жавобнинг кимга кераги бор. Редакция министрликдан тўлақонли ва конкрет жавоб кутади.

• Қайта ишлаш корхоналарида аҳвол қандай?

ДЕҲҚОНГА РАҲМИНГИЗ КЕЛМАЙДИМИ?

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ АГРОСАНОАТ КОМИТЕТИ ҲАМДА САМАРҚАНД ОБЛАСТЬ АГРОСАНОАТ КОМИТЕТИДАГИ МУТАСАДДИ ЎРТОҚЛАРГА МУЛОҲАЗА УЧУН ТЎРТ ФИКР

Самарқанд районидаги Улуғбек номли колхоз оилавий звено бошлиғи Шокир ЗОКИРОВ: — Колхозчининг қадри борми? Машина-тракторлардан оқаётган помидор шарбатини кўриб туриб, лоқайд қараб туриш деҳқонга осонми? Худди жигаридан қон оқаётгандек азоб чекади у...

Тайлоқ консерва пункти директори Неъмат ЗОҲИДОВ: — Область агросаноат комитети раисининг ўринбосари Игорь Петрович Ким ишимизга бепарволик билан қараяпти.

«Серп и молот» консерва комбинати директори Ибодулла БОБОХЎЖАЕВ: — Помидорнинг сарасини корхона ишчилари ўзларига танлаб олишаётган экан, бу бизнинг айбимиз эмас. Энг аввало, идеология ходимлари, яъни тарбиячиларнинг қусури бор. Улар одамларни ўғирлик қилмаслик руҳида тарбиялашлари керак. Қолаверса, ишчининг маоши оз, у ўғирлик қилишга мажбур-да...

Самарқанд районидаги Куйбишев номли колхоз аъзоси Равшан ЭШОНҚУЛОВ: — Бу соҳада қайта қуриш йўқ. Раҳбарлар баҳона қидиришдан нарига ўтишмаяпти...

ТОР УИДА ТОМОША

Катта йўл. Помидор юклаган машина ва тракторлар тизмаси: бир, икки, уч... саноқдан адашасиз. Чунки кўзингиз чакиллаб оқаётган шарбатга тушади. Ҳаёлингизда бозорга борганингиз келади: бир килосини 50 тийинга ололмаган эдингиз. Бу қандай сиру синоатки, бир томонда ноз-неъмат топталиб ётса, иккинчи томонда истеъмолчи унга муҳтож?! Илгари бу саволга «хўжайин кўпайиб кетган...» деган жавоб қилишарди. Энди-чи? Наҳот ҳалигача агросаноат комитети бу ишни тартибга сололмаган бўлса?

— Бу йил 34 минг тонна маҳсулот қабул қилиб олишимиз керак,— дейди Тайлоқ консерва пункти директори Н. Зоҳидов. — Бизни асосан тунука банкалар масаласи қийнайди. Томат пастасини вақтида жойлаб, вақтида жўнатмасак, пунктда юрадиган жой қолмайди. Ҳовли торлиги учун машина-тракторлар Самарқанд—Панжакент магистрал йўлида тизилиб туради.

Биз ҳовлини кенгайтириш, тунука банкалари тайёрлайдиган цех очиш мақсадида Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитетига мурожаат қилдик. Унинг пункт территориясини кенгайтириш ҳақидаги кўрсатмаси (Буйруқ, №1134, 1987 йил, 16 декабрь) ҳалигача бажарилган эмас.

Қабул мавсуми бошланиб кетди. Область агросаноат комитети ҳам буйруқ чиқарди. Лекин комитет раисининг қурилиш ишлари бўйича ўринбосари И. П. Ким бу буйруқларни тан олгиси, ижро этгиси келмаяпти. Унинг деҳқон машаққати билан нима иши бор?

— Қачонгача эски машиналарнинг баллони покришкаларини ёқиб, унинг атрофида ухлаймиз. Наҳотки, дам оладиган жой қуриш мумкин эмас,— дейди Улуғбек номли колхоз трактурчиси Ж. Мирзаев, — Чой ичиш, овқатланиш учун жой йўқ. Кўпчилигимиз ошқозон касаллигини орттирдик.

Ҳа, Игорь Петрович ярим йилдан буён ғаладонида ётган буйруққа қарагиси келмайди. Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитетидаги мутасадди ўртоқлар-чи? Улар ижрони назорат қилишмайдими? Тор уйдаги томоша қачонгача давом этади?

УЙҚУДАН УЙҒОТМАГИЛ...

«Серп и молот» консерва комбинатининг «Мўлён» пункти. Тол дарахти остидаги супа атрофига сув сепилган. Соядa ухлаб ётган киши гоҳида хуррак ҳам отиб қўяди. Машойихлар тинч ухлаётган одамни безовта қилма, дейишган. Шундай бўлса-да, уни уйғотишга жазм қилдик. Чунки дарвозаси ланг очиқ бу пунктда ундан бошқа одам йўқ эди, ахир!

— Мен Хусенов Асрор бўламан,— деди у кўзларини уқалаб. — Сал пинакка кетиб қолибмиз, ҳаво иссиқда...

— Мудир қаерда?

— Нўъмонжон Болтаевми? Ҳозир шу ерда эдилар...

— Ҳосилни сизлар қабул қилмаяпсизларми?

— Директор ҳали рухсат бермади...

— Далада ҳосил ғарқ пишган, деҳқон сарсон-саргардон, сиз эса қабул қилишга рухсат бермабсиз?— дея сўрадик комбинат директори И. Бобохўжаевдан.

— Ҳамма жойнинг ўз тартиб-қоидаси бор,— жаҳли чиқди унинг. — Бир ишни қилган эканмиз, асосимиз бордир... Ким, қачон иш бошлаши ҳақида «Самарқанд» агрокомбинати билан биргаликда тузилган графикка эгамиз.

График бўлса бордир, аммо ҳосил директор қўлидаги қоғозга қараб етилмайди-ку? Бундай раҳбарлар қачонгача расмиятчилик гирдобидан чиқолмай юришади. Июлнинг иккинчи ярмида ҳам ишламаган пункт қачон ишга тушади? Балки маҳсулотнинг арзон бўлишини кутишаётгандир?! Ҳозир бир килограмм помидор учун деҳқонга 20 тийин ҳақ тўлашлари керак. Кун ўтган сайин нарх тушиб боради. График ортидаги «сир» шу эмасмикан?

Комбинатнинг «Гулистон» пунктида қабул давом этяпти. Аммо бу ерда ҳам колхозчилар азобда. Улар ўз юкларини ўзлари машинадан тушириб, линияга бўшатиб, устига-устак, ювиб ҳам беряптилар. Тарозибон Р. Ҳайдаров салқин хонада ўтириб, ҳар бир машинадан 30 килограммагача помидорни уриб қоляпти. У ўз қўли билан ёзиб берган тушунтириш хатида буни инкор қилмади. Чунки биз «16—98 СМЕ», «80—46 СМГ» машиналарини қайта тарозига қўйганимизда ундаги юк Раббим Ҳайдаровнинг дафтарида қайд этилган оғирликдан зиёд тушди-да. Буни текширадиган, назорат қиладиган кишилар йўқми?

Бор. Шу куни биздан сал олдин Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитетидан келган текширувчи Нина Куценко ва комбинат раҳбарлари бу ерда бўлишган. Аммо улар томошадан нарига ўтишмаган.

— Биз асосан маҳсулот сифати билан қизиқдик, — деди Нина Степановна.

Сифат билан биз ҳам қизиқдик. Пунктдан комбинатга келтирилган шарбат таркибидаги қуруқ моддалар қайта ўлчанганда назоратчи Ф. Тўхтаев бошқа рақамни, смена мастери Ф. Сафарова эса бошқа рақамни айтишди. Улар неча марта қайта ўлчашмасин, фикрлари бир жойдан чиқмади.

— Ҳар кимнинг кўзи ҳар хил, — деди директор И. Бобохўжаев гўё бу ҳолга ҳам жавоб топгандек. — Бундан ташқари ёруғлик таъсири, ҳаво таъсири ҳам бўлади-да...

Балки шундайдир. Аммо бир пайтда, аниқроғи бир неча дақиқалар ичида маҳсулот қайта-қайта ўлчанса-ю, натижа турлича чиқса, қизиқ туюларкан? Наҳотки, «ёруғлик, ҳаво таъсири» қўшиб ёзишларга асос бўлаётган бўлса?!

КЎРМАСЛИККА ОЛИШДИ

Соат 19.00. Комбинат ҳовлиси помидор юклаган машина-тракторлар билан тўла. Шоферлар, ҳайдовчилар тўпланиб, гурунг қилиб ўтиришибди. Сал нарида ёшгина йигит тарасиз (идишсиз) помидорни трактордан оёғи билан суриб туширяпти. Эзилган неъмат шираси сув бўлиб оқиб кетмоқда. У бизни кўриши билан қўлига қандайдир таёқча олди-да гўё маҳсулотни таёқча билан тушираётгандай бўлди! Ҳолбуки, унинг тиззасига қадар шарбатга ботгани шундоқ кўринib турарди.

— Нима қилай, — деди у шошганидан (Самарқанд районидаги Энгельс номли колхоз трактурчиси Суяр Тўраев эди у). Аслида юкни юқоридан тушадиган сув ёрдамида бўшатиш керак. Лекин сув йўқ...

Сал нарида ишчилар помидорни ювишмоқда. В. Мамадалиев ва бошқалар ҳосилнинг сарасини алоҳида қутиларга солишяпти. Баъзилар тўрхалтага, яна бировлар тунука банкаларга...

— Нега бундай қиляпсизлар? — сўраймиз улардан.

— Биринчи сменадан қолган маҳсулот... Тушликка...

Ҳа «тушлик» баҳона ўғирлик қилишяпти. Ҳеч ким мен ўғриман демайдида, ахир. Бу илгари шунчаки комбинатда одатий ҳол бўлиб келган, ҳозир ҳам давом этяпти. Комбинат директори билан Тошкентдан келган текширувчи Н. С. Куценко боя бу ердан ўтаётиб ҳеч нарсани пайқашмаганларига таажжуб! Биз директорнинг хонасида уларга воқеани гапириб бердик. Ишонишмади. Кейин магнитофон лентасига ёзиб олинган суҳбатни эшиттирдик.

— Камчиликсиз жой борми?— деди директор тан олишга мажбур бўлиб. — Олти кундан бери банкда пул йўқ. Кеча бир ишчи келиб «дори-дармон олишга пулим қолмади» деди. Бунинг устига маошлари оз. Хўш, нима қилиш керак?

Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитетининг вакили ҳам директорга ён босди. Бир нарсани тушунмадик: қандай қилиб тартибсизликни, ўғирликни, технология интизоми бузилишини, пировардида— маҳсулот қабули чўзилиб кетаётганини ва ниҳоят— деҳқон хуноб бўлаётганини турли баҳоналар билан изоҳлаш мумкин?! Қайта қуриш шиддатли одимлар билан кетаётган бир пайтда бундай иш услуби панд бермасмикан?

Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети, Самарқанд область агросаноат комитети, Темир йўл район партия комитети бу ҳақда жиддий ўйлаб кўришлари керак.

Ж. МАМАТОВ, «Совет Ўзбекистони» мухбири.

М. ИСМАТОВ, «Совет Ўзбекистони» жамоатчи мухбири.

✦ КУЮНЧАК ГАЗЕТХОН МАКТУБИ


ИСТАРДИМКИ...

Ҳаётда шундай касб эгалари борки, кўпинча уларнинг меҳнати кўзга кўринмайди. Бирор сабаб бўлиб, уларнинг вазифалари бажарилмай қолсагина эътибор берамиз. Эрта тонгда кўчалар, мактаб , идора ва давлат корхоналари атрофи тозалаб супуриб қўйилади. Бу фаррошларнинг иши. Боғбон отахонлар яратган боғлар, гулзорларни кўриб, баҳри дилингиз очилади.

Менинг онамлар беш фарзандни оқ ювиб, оқ тараганлар. Шу билан бирга мактабда 19 йил фаррош, кейин тўрт йил район туғруқхонасида санитарка бўлиб ишлаганлар. Ҳар йили меҳнат отпускалари даврида пилла қурти боқиб давлатга топширадилар. Лекин бирор марта ҳам маъмурият томонидан рағбатлантирилганларини билмайман.

Истардимки, онам каби оддий касб эгаларининг меҳнатлари қадрланса, улар ҳам қилган меҳнатлари эвазига шодланишса.


Р. МАЛЛАЕВА, Андижон области.



ҲИНДИСТОН—СССР: ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК

БУХОРОДА МЕҲМОНХОНА

Қадимий ва навқирон Бухорода Урта Осиёда биринчи марта Совет ва Ҳиндистон қурувчилари ҳамкорлигида бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилди. Бу ерда 430 ўринли «Интурист» меҳмонхонаси қурилмоқда. Ҳиндистоннинг етакчи «Ларсен энд Тубро Лимитед» фирмаси қурувчиларининг дастлабки партияси етиб келди. Ҳамкорликда қуриладиган янги меҳмонхонани 1990 йилнинг учинчи кварталида фойдаланишга топшириш кўзда тутилмоқда.



Суратларда: 1. Янги меҳмонхона ана шундай кўринишга эга бўлади. 2. Совет—Ҳиндистон қурувчи-мутахассислари иш устида.

Б. ЮСУПОВ фотолари. (ЎзТАГ).

НЕГА АЛЛА АЙТМАЙСИЗ, ОНА?

Тун ярмидан оққан. Бигиллаб чақалоқ йиғлайди. Навжувон она болани бағрига босиб хонада у ёқдан бу ёққа юради.

— Ҳо-ҳу! Ҳо-ҳу! Ҳо-ҳу! Йўқ, бола онасининг бу ғайритабиий хитобига қарши баттар исён кўтаради.

— Уф-ф, ҳар куни шу аҳвол. Нима қилсам юпанаркин, — дея фиғони ошади ёш онанинг.

— Алла айт, — маслаҳат беради ёш ота.

— Нимани айтаман?

— Онангдан эшитганларингни айт.

— Мен уззукунлик болалар боғчасида тарбияланганман.

— Унда кўрган-кечирганларингни айтақол.

— Вой, анаву кишини. Кўрган-кечирганларни алла қилиб айтиб бўларканми!

— Наҳотки, алла қилиб айтгулик кечмишинг бўлмаса?

Чақалоқнинг йиғисига чидаёлмаган ота гўдакни қўлига олиб, ёшлигида онасидан эшитган, юракни сел қилиб оқизиб юборувчи қадимий, сирли оҳангларни эслашга ҳаракат қилади:

Қизил гулнинг шохида,
алла,
Ғунчамисан, нормисан,
алла.
Мунглиғ онанг бахтига,
алла,
Қўзичоғим бормисан,
алла.
Алла болам, аллаё
Ширин болам, аллаё.

Бола бир зум йиғидан тўхтаб овоз келаётган томонга юзларини буради. Қийиқ кўзларини хиёл очиб, қайта юмади-да, дағал, аммо қандайдир сеҳрли қудратга эга ота қўшиғидан маст бўлиб, ширин уйқуга кетади.

Азизлар! Юқоридаги воқеада ота айтган бир гапга эътибор беринг: «Наҳотки, алла қилиб айтгулик кечмишинг бўлмаса?»

Дарҳақиқат, наҳотки, бугунги ёш оналарнинг алла қилиб айтгулик хотироти бўлмаса? Кейинги йилларда ёш оналарнинг алла айтиши таомилдан тушиб бораётгани сезилиб қолмоқда. «Саодат» журналининг 1988 йил 5 сонида эълон қилинган «Бу шундай бир қўшиқки...» сарлавҳали мақолада ҳам ёш оналарнинг негадир алла айтмай қўяётгани ҳақида ташвишли фикрлар билдирилади. Бу мақолада, жумладан, шундай сўзлар бор: «...Нима учун халқ амалий педагогикасининг энг бошланғич ва энг самарали тарбия воситаси бўлган аллалар аста-секин унутилмоқда? Ёки оналарнинг алла айтишга фурсатлари етмаяптими? Ё радио, телевидениедаги куй-қўшиқлар гўдакнинг эҳтиёжини қондириб, она қўшиғининг ўрнини боса оларминкан?!»

Биз ҳам ана шундай савolларга жавоб топиш учун бир қатор идора ва ташкилотларда бўлиб, турли ёшдаги кишилар билан суҳбатлашдик. Уларнинг фикрларини ўрганиб, ўз мулоҳазаларимизни баён этишга аҳд қилдик.

Тошкентдаги «Фаровғат» номли 412-болалар боғчасидамиз. Кичик ёшдаги группалардан бирига кирамиз. Айтишларича, группада 37 та бола бор экан.

— Кимнинг онаси уйда алла айтиб беради? Қўлини кўтарсин, — сўраймиз кичкинтойлардан. Иккитагина бола қўл кўтаради.

— Боғча опаларинг-чи? Сизларни алла айтиб ухлатишадими?

Болалар жим. Боғча опа бўлса, кутилмаган вазиятдан норози бўлиб, гўдакларни ғадавлайди.

— Ҳар куни алла айтаман-ку, нега қўл кўтармайсизлар? Ёки унутдиларингми?

Мурғак қалб эзгуликни ҳеч қачон унутмаслигини афсуски, тарбиячи унутиб қўйган эди.

Ёрдамчи тарбиячи Замира Аҳмедова алла айтишни билмаслигини, китоб ўқишга эса вақти йўқлигини яшириб ўтирмади.

Боғча методисти Ҳалима Алимова аввалига:

— Алла, алла нима ўзи? — дея таажжуб билан бизга тикилди. Алланинг луғавий маъносини тушунтириб берганимиздан сўнг:

— Ҳа, алла денг. Боғча программасида кўрсатилмаган, — дея баҳона қилди.

Тарбиячилардан Муборак Каримова билан суҳбатимиз мазмунли бўлди. У алланинг аҳамиятини нозик ҳис қилиши ва ўзи ҳам яхшигина алла айта олиши билан бизда яхши таассурот қолдирди. Аксарият тарбиячилар эса алла айта олмаслигини очиқ тан олдилар.

Тошкент бадиий буюмлар фабрикасининг попон цехида ҳаммаси бўлиб 500 га яқин хотин-қиз меҳнат қилар экан. Биз борган сменада эса 240 аёл машина тикиб ўтиришар эди. Ишимиз осон кўчсин учун ўзимизни халқ оғзаки ижоди бўйича мутахассис сифатида таништириб, алла айтадиган оналар борган сари камайиб кетаётганини ташвиш билан маълум қилдик. Алла биладиган хотин-қизлардан хоҳласа оғзаки, истамасалар ёзма равишда ёрдам беришларини илтимос қилдик. 240 аёлнинг бири қулди, бири ҳафа бўлди. Цех мастери Комила Қодирова билан бир соатча уриниб, зўрға алла биладиган биттагина онахонни топдик. Цех дазмолчиси Махсума опа Умарова дарҳақиқат қадимий аллаларнинг моҳир ижрочиси экан.

— Алла айтишдан уялган аёл, аёлми? — дедилару ўктам овоз билан барчани лол қолдириб, мириқиб куйлайдилар. Чарчаганларидан кейин бошқаларга теккизиб дедилар:

— Алла айтинглар, алла тинглаб ўсган боланинг руҳи тетик, эътиқоди мустаҳкам, виждони ёруғ, эл-юртига содиқ бўлади. Алла айтинглар, қизларим, сингилларим, дугоналарим!

Ҳа, Тошкент шаҳар, Қувноқ кўча, 15-уйда яшовчи Рихси опа Каримова ҳам қизи Гулнорага ёшлигида алла айтолмаганидан мана энди афсус чекади. Эҳтимол, Гулнора она алласига қониб катта бўлганида, айни 16-17 ёшида ёмон аёлларга қўшилиб, бировларнинг уйига ўғриликка тушмаган, оқибатда уч йилга озодликдан маҳрум этилмаган бўлармиди?!

Бундай мисолларни кўплаб кетириш мумкин.

— Алла — қўшиқларнинг султони, — дейди Андижон область Избоскан районидаги 29-ҳунар-техника билим юрти директори Сомижон Жабборов. — Алланинг оҳанглари қадимгиларнинг айтишича, онанинг етмиш икки томиридан оқиб келармиш. Демак алла айтишда онанинг бутун вужуди иштирок этади. Аллада онанинг дард ва йиғилари, кулгуси ва шодлиги, қаҳр-ғазаби оҳанглар қатига шундай сингириладики, бу жиҳатдан дунёдаги бирорта қўшиқ унинг ўрнини босолмайди. Мен йилнинг тўрт фаслида бирдай таъсир қилувчи қўшиқни билмайман. Аммо алла ҳеч қандай фаслда эскирмайди, аҳамиятини йўқотмайди.

Кўпчилик алла оналарнинг қўшиғи, уни фақат зинафаларгина куйлашлари шарт деб ўйлайдилар. Сомижон ака эса қиз чиқариб, ўғил уйлаган, бобо сифатида бошқача фикрлайди:

— Оталар ҳам алла айтиши керак. Оталар овозида эр кишига хос жасорат, қаҳрамонлик, қудрат мужассам. Бу эса бола қалбининг мурғак чоғидаёқ ана шу туйғуларнинг ниш уришига, шаклланишига сабаб бўлади.

Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг директори Азиза Орипова ҳам ўқувчи ёшидаги қиз болаларга алла айтишни ўргатиш, аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги роли ва бола тарбиясига ажратадиган вақти хусусида куюниб гапирди:

— Мана мен, ижтимоий ҳаётда актив аёллар сирасига кираман. Кун бўйи институт ташвишлари, турли учрашувлар, мажлислардан ҳориб, кеч кирганда уйга кириб бораман. Турган гапки, шу тобда бирозгина дам олгим келади. Бироқ овқат пиширибми, дастурхон ёзмасангиз, яна бўлмайди. Қарабсизки, ҳуфтон бўлади. Қизим Нодира эса мен билан суҳбатлашиб, ёнимда ётгиси, эркалангиси келиб, жовдираб туради. Менда эса мадор қолмаган. Аллаларнинг кам айтилаётгани аёлларимизнинг ижтимоий ҳаётга ўта боғланиб, ўралашиб қолаётганида деб биламан.

— Мутахассис сифатида мактабларда аллага бағишланган дарслар ташкил этишга қандай қарайсиз?

— Бу жуда ўринли, амалга ошириса бўладиган таклиф. Масалан, 9-синфда 35 соат этика-психология дарси ўқитилади. Шу фаннинг бир қисмини алланинг аҳамияти ва уни ўрганишга бағишлаш мумкин.

— Бироқ дарсликда алла кўзда тутилмаган-ку?

— Этика-психология дарслиги Ўзбекистон мактабларига мослаб тайёрланяпти. Ана шу китобга аллалардан намуналар киритилса айни муддао бўларди.

— Ҳа, намуналар киритилса айни муддао бўлар эди-ю...

— Дарвоқе, дарслик масаласи нафақат мактабда, балки болалар боғчаларида ҳам энг оғир муаммо экан. Бу борада Тошкентдаги 389-болалар боғчасининг музика раҳбари Вера Глебовна Тухелнинг эътирозларига қўшилмай иложимиз йўқ:

— Украинада рус ҳамда маҳаллий тилда «Дошкольная воспитания» журнали нашр этилади. Шу журналда боғча болаларига мос қўшиқлар билан бирга аллалар ҳам эълон қилиб борилади.

Болаларга ўзбекча қўшиқлар, аллалар айтиб ўйнатгим, яйратгим келади. Афсуски, программада йўқ. Ҳали-ҳануз Москвада чиққан программалар бўйича ишлаймиз. Ўзбекистонда эса бундай қўлланмалар айтарли нашр этилмайди. Аллалар миллат ажратмайди. Эътибор берган бўлсангиз, барча миллат аллаларида қандайдир кишини ҳайрон қолдирадиган умумийлик бор. Боғчамизда турли миллат болалари тарбияланади. Қани энди, уларга ўз она тилларидаги аллаларни ҳам ўргата олсак...

412-болалар боғчасининг мудираси Мавлуда Ғуломованинг айтишича, кичик ёшдаги группалар учун ўзбек тилидаги программа бундан етти йил олдин нашр қилинган бўлиб, у ҳам эски программага асосланган экан.

«Бизнинг болаларимиз, уларнинг ота-оналари ўз халқининг аллаларини эслаши, қуйлаб юриши кимларга боғлиқ? — деб ёзади Москва шаҳар камер хорининг раҳбари, РСФСР халқ артисти В. Н. Минин, «Комсомольская правда» газетасидаги мақоласида. — Телевизорда, ҳар куни кечқурун болаларга атаб бериладиган кўрсатувларни? Унда «Ухлар хорғин қўғирчоқларим»дан бошқа нима ҳам айтилади. Шундай бўлгач, ота-боболаримизнинг ажойиб, қадимий аллаларини қаердан билайлик? Ватанимиз — кўпмиллатли давлат. Ҳар бир халқнинг ўзига хос бадиий юксак аллалари бўлади. Ана шу кўрсатувда ҳеч бўлмаса кунора биттадан халқнинг алласи ижро этилса, қандай ажойиб иш бўлар эди».

Санъаткорнинг бу гапларида халқлар дўстлиги туйғусининг болалар қалбига уларнинг гўдаклик чоғларидаёқ сингдиришдай эзгу ғоя ётади.

Ўзбекистон телевидениесида эса ана шундай мунтазам кўрсатув ҳам йўқлиги кишини ўйлантириб қўяди.

Бир пайтларда қишлоқларда алла айтишни билмаслик айб, уят ҳисобланарди. Бу муболаға эмас. Қишлоқларда аёллар аллани ёниб айтар эдилар. Пайкаллар этагида, зилол сувли зовурлар қирғоғида узундан-узун тутзорларга қатор-қатор беланчаклар тортиларди. Бригадир аёллар ичидан аллага энг моҳир, энг болажонини «боғча опа» қилиб қолдирарди.

Тутзорлар, зилол сувли зовурлар, пайкаллар ҳануз ўша-ўша, қишлоқлар кўп. Бироқ дов-дарахтларга беланчак тортиб ёниб алла айтадиган оналар йўқ. Борлари ҳам юракдан чиқариб куйламайди, қандайдир ўзгариб қолган улар. Бунинг боиси не?! Бир пайтлар лайлаклар Хоразмни тарк этиб кетганлиги ҳақида қайғули хабарлар эшитардик. Бугунга келиб қадим қадимлардан инсон қалбини макон тутган она алласи энди одамлар юрагини ташлаб кетаётгани ҳам аччиқ бўлса-да ҳақиқат. Бунинг туб сабаб, илдизларини қаердан, нимадан ахтарайлик?!

Бизнингча, ҳар қандай эзгу ғоянинг тақдири унга бериладиган эътиборга ҳам боғлиқ. Аллалар ҳам бугунга келиб, одамларнингтина эмас, ҳатто давлат аҳамиятидаги эътиборга муҳтож бўлиб қолди.

Хўш, аллаларни оналар ва болалар қалбига қайтариш учун нималар қилиш керак?

Биринчи навбатда болалар боғчаларида, мактабларда қўлланиладиган дарсликлар муаммосини ҳал қилиш, алла соатлари жорий этиш лозим. Институтларнинг, педагогика билим юртларининг бошланғич синф факультетларида алла дарсларини кенг йўлга қўйиш, қабул қилинаётган ўқувчи ва студентларни алла айттириб кўриб қабул қилиш ҳам мақсадга мувофиқ бўларди. Ана шунда боғчаларга, мактабларга келаётган мутахассислардан нолиб юрмаймиз.

Аллаларни халқимиз онгига сингдиришда радио ва телевидениенинг роли беқиёс улкандир. Шунинг учун алла ҳақида эшиттириш ва кўрсатувлар кўпроқ тайёрланса, уларга алла айтишга моҳир қизлар, келинчаклар, онахонларимизни излаб топиб қатнаштирсак жуда фойдали бўлар эди. Аллалар ижрочиларининг конкурслари ўтказилиб, уларнинг овозлари кўп нусхада сотувга чиқарилса.

Алла нафақат ҳақиқий инсонни, балки замонни ҳам тарбияловчи, камолга етказувчи қудратли қўшиқдир. Азиз оналар, опа-сингиллар, келинг, фарзандларингиздан меҳрингизни дариғ тутманг, алла айтинг. Алла айтайлик!

Абдунаби БОЙҚЎЗИЕВ.

РЕДАКЦИЯДАН: Дарҳақиқат, она алласи нафақат болалар тарбияси, балки жамият мустаҳкамлигини таъминловчи омиллардан. Афсуски, бу муқаддас қўшиқлар кундан-кунга камайиб кетмоқда, айтилмай қолмоқда. Бунинг сабаби нимада экан? Балки сиз ҳам фикр айтарсиз, билган аллаларингизни ёзиб юборарсиз, ҳурматли газетхонлар!

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

«Меҳнат» нашриёти қуйидаги китобларни ўзбек тилида чоп этди:

А. Уролов, Д. Нозилов, Ш. Тўрақулов. Қишлоқ уйлари. 200 бет. Баҳоси 55 тийин.

Китобда қишлоқ уйларини қуришдаги миллий анъаналар, турар жой бинолари ва уларнинг территорияларини лойиҳалашдаги замонавий меъморчилик услублари, бадиий-эстетик талаблар, якка тартибда ва кооператив турар жой қурувчилар учун уй қуриш қоидалари, лойиҳа танлаш, ҳовли участкасини планлаштириш, ободонлаштиришга доир қатор фойдали маслаҳатлар берилган. Шунингдек, коллектив боғларни лойиҳалаш ва ташкил этишнинг ўзига хос йўл-йўриқлари ҳам баён қилинган.

А. Акрамов. Зира. 48 бет. Баҳоси 25 тийин.

Озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлашда зиравор ўсимликлар катта роль ўйнайди. Мазкур китобда зира ўсимлигининг ўзига хос хусусиятлари, биологияси, уни маданий усулда етиштириш йўллари ҳақида ҳикоя қилинади.

С. А. Иофинов, Э. П. Бабенко, Ю. А. Зуев. Машина-трактор паркидан фойдаланишга оид справочник. 332 бет. Баҳоси 1 сўм 40 тийин.

Китобдан машина-трактор паркида (МТП) инженер-техник хизматини ташкил этиш форма ва методлари, машина-трактор агрегатлари ҳамда транспорт воситаларидан, турли-туман агрегатлардан фойдаланиш, МТП ишларини планлаштириш бўйича фойдали маслаҳатлар ўрин олган.

Х. Исмоғилов. Сел ва ундан сақланиш. 64 бет. Баҳоси 25 тийин.

Сел — табиат офатларидан. Ушбу китобда сел тошқинлари ҳақида умумий тушунча ва маълумотлар берилиб, сел омборлари қуриш тўғрисидаги ишлар ва тадқиқот натижалари келтирилади ҳамда селга қарши кураш тадбирлари системаси ҳақида фикр юритилади.

• Спорт

Шахмат:

КУЧЛИЛАР БАҲСЛАШГАНДА

Бу сафарги мамлакат чемпионати иштирокчиларининг кучлилардан сараланганлиги кўпчилик эътиборини тортмоқда. Жаҳон чемпиони Гарри Каспаров дастлабки учрашувни А. Юсупов билан ўтказиб битимга келишган эди. Иккинчи ўйинни эса В. И. Иванчук билан ўтказиб муваффақият қозонди. Собиқ жаҳон чемпиони А. Карпов эса биринчи ўйинни А. Харитонов билан ўтказиб, чемпионат бошидаёқ галаба нашидасидан баҳраманд бўлди. Иккинчи турдаги: А. Халифман — Н. Гуревич, Л. Юдасин — В. Гавриков, А. Харитонов — В. Маланюк ўйинлари дуранг бўлди.

СОВРИНЛАР ВА ЎРИНЛАР

● **ЕНГИЛ АТЛЕТИКА. Норвегиянинг Фана шаҳрида ўтказилган халқаро турнирда совет спортчилари муваффақиятли куч синашдилар. Спортча юриш бўйича 20 километрли масофада А. Першин бир соат 19 минут 22,5 секундли натижа билан маррада биринчи бўлди. 10 километрли масофада эса 43 минут 36,5 секундли натижа кўрсатган Е. Николаева галаба қозонди.**

● **ЧИМ ХОККЕЙ. Клайпеда шаҳрида аёллар командалари ўртасида ўтказилган халқаро турнирда СССРнинг биринчи ва иккинчи терма командаси учрашувларни галаба билан бошлади. Биринчи командамиз ГДР хоккейчиларини (4:0) ютган бўлса, иккинчиси ЧССР ўйинчиларини (6:0) мағлубиятга учратди.**

● **КУРАШ. Канадада ўсмирлар ўртасида жаҳон кубоги учун ўтказилган мусобақада совет полвонлари зафар қучдилар. Улар финалда АҚШ командасини 9:1 ҳисобида енгишди. Эркин курашда учинчи марта жаҳон кубоги қўлга киритилди.**

Редактор ўринбосари
Т. НАЖМИДДИНОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

— **музика санъати аспирантурасига** (ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда);

— **стажировка ўташ учун ассистентурага** (ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда): **инструментлар ижрочилиги** (фортепьяно, халқ ва чолғу асбоблари), **хор дирижёрлиги, композиция.**

ҚАБУЛ ҚИЛИНУВЧИЛАР ИХТИСОСЛИК, МАРКСИЗМ-ЛЕНИНИЗМ ва ЧЕТ ТИЛИ БЎЙИЧА КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ ТОПШИРАДИЛАР.

Аспирантурага ва стажировка ўташ учун ассистентурага қабул қилиш ҳақида ректор номига ариза ёзилади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа тўлдирилади, фотосурат, иш жойидан характеристика (бевосита олий ўқув юртини тамомлаганидан сўнг кираётган шахслар учун аспирантурага ёки стажировка ўташ учун ассистентурага олий ўқув юрти Совети берган тавсия), меҳнат дафтарчасидан бир нусха, танлаган ихтисослиги бўйича реферат.

Паспорт ва олий ўқув юртини тамомлаганлиги тўғрисидаги диплом шахсан кўрсатилади.

ҲУЖЖАТЛАР 1988 ЙИЛНИНГ 15 ОКТЯБРИГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Кириш имтиҳонлари — 1988 йил 20 октябрдан 10 ноябргача.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: 700000, Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 31-уй.

Ўзбекистон ССР
Халқ таълими Иттифоқ-республика министрлигининг

6-ФАРҒОНА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги мутахассисликлар бўйича
ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Автомобиль кранлари машинистлари, минора кранлари машинистлари, экскаватор, бульдозер машинистлари, оғир кранлар машинистлари, автомобиль ва қурилиш машина ва механизмларини созловчи слесарлар, электро-газ пайвандчилар.

Билим юртига ўрта маълумоти тўғрисидаги аттестатга эга бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати 11 ой.

Техника билим юртига ўқишга кирганлар ҳар ойда 30 сўм стипендия билан таъминланадилар. Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчиларга иш ҳақининг 50 проценти берилади.

Ўқиш муддати узлуксиз иш стажига қўшилади.

Техника билим юртини «аъло» баҳоларга тугатганлар олий ўқув юртларига конкурссиз қабул қилинади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: 10-синфни битирганлиги тўғрисида аттестат, соғлиғи ҳақида справка (286-форма), 6 дона фотосурат (3х4 см.), турар жойидан справка.

Техника билим юртини тугатганлар республика миқёсидаги ташкилотларга ишга юборилади.

Билим юртида ётоқхона, ўқув биноси, ишлаб чиқариш устахонаси, ошхона, клуб, спорт зал ва спорт майдончалари мавжуд.

Техника билим юртида ўқувчилар турли хил тўгаракларда, спорт секцияларида ва ҳаваскорлик тўгарақларида қатнашадилар.

Ўқиш 1988 йил 1 сентябрдан бошланади.

Бизнинг адрес: Фарғона шаҳри, Қиргули, Энтузиастлар шоссеси, 9-уй (Ленин бульвари). Телефонлар: 2-22-10, 2-06-34.

ПАССАЖИРЛАР ДИҚҚАТИГА

ОЛДИНДАН БИЛЕТ СОТИШ (ёз мавсуми, шанба, якшанба, байрам ва байрам олди кунларида)— **БИЛЕТЛАР СОТИШНИНГ АЙНИҚСА, ЭНГ ҚУЛАЙ ТУРИ ҲИСОБЛАНИБ, У ПАССАЖИРЛАРГА ҚУЛАЙЛИКЛАРГИНА ЯРАТИБ ҚОЛМАЙ, БАЛКИ ҲАРАКАТ СОСТАВИДАГИ ЭҲТИЁЖЛАРНИ ОЛДИНДАН БЕЛГИЛАЙ ОЛИШ ВА ЎСИБ БОРАЁТГАН ПАССАЖИРЛАР ТАШИШ ҲАЖМИНИ ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ УЧУН ЗАРУР ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ КЎРИШ ИМКОНИЯТИНИ БЕРАДИ, ЙЎЛГА ҚЎШИМЧА РЕЙСЛАР ЧИҚАРИШ, ҲАРАКАТ СОСТАВИ ЎРИНЛАРИ ВА ҲОКАЗОЛАРДАН БИРМУНЧА САМАРАЛИРОҚ ФОЙДАЛАНИШ ШАРОИТИНИ ЯРАТАДИ.**

Ана шуни назарда тутиб, Тошкент шаҳридан жўновчи шаҳарлараро маршрутларга олдиндан билет сотувчи кассалар очилди.

Кассаларнинг иш вақти:

«ТОШКЕНТ» АВТОВОКЗАЛИ. Халқлар дўстлиги проспекти, 7-уй;

«САМАРҚАНД» АВТОСТАНЦИЯСИ (шанба кунларидан ташқари), Шота Руставели кўчаси, 224-уй;

«ТАШСЕЛЬМАШ» АВТОСТАНЦИЯСИ (шанба ва якшанба кунларидан ташқари)

соат 8 дан 20.00 гача ишлайди.

ҲУРМАТЛИ ПАССАЖИРЛАР!

Билет сотиб олиш учун кетадиган вақтни қисқартириш мақсадларида Сизлардан олдиндан билет сотиш кассалари хизматидан фойдаланишларингизни сўраймиз!

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ АВТОВОКЗАЛЛАР ВА ПАССАЖИР АВТОСТАНЦИЯЛАРИ БИРЛАШМАСИ.

«Мубораксанаатпромстрой» трестининг 1-қурилиш-монтаж бошқармасига берилган 545, 546 номерли йўқолган ИШОНЧ ҚОҒОЗЛАРИ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

«Узагроинформ» ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилиши муносабати билан

Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитетининг

РЕСПУБЛИКА БОШ АХБОРОТ-ҲИСОБЛАШ МАРКАЗИ

1 августдан бошлаб

ТУГАТИЛАДИ

Барча даъволар 1 сентябрга қадар қуйидаги адрес бўйича қабул қилинади: 700070, Тошкент шаҳри, Ш. Руставели кўчаси, 8-«а» уй.

Ўзбекистон ССР Меҳнат ва социал таъминот давлат комитети, республика аҳамиятидаги пенсионер, 1945 йилдан КПСС аъзоси

Шамсутдин ИСЛОМОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат медицина институтининг Иккинчи клиникаси коллективи клиника врач-хирурги

Усмон ЖУРАҚУЛОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

• Тингланг, томоша қилинг

29 ИЮЛЬ, ЖУМА

МТ-I. 7.00—120 минут. 9.05 Ҳужжатли фильм. 9.35—Фидойи шахслар. 10.20—Биз излаб кетяпмиз. 10.50 ва 15.55—Янгиликлар. 16.05—Қайта қуриш прожектори. 16.15—Нега ва нима учун? 16.45 — Артелнинг юмушлари. 17.15 — «Иккинчи қаватдаги саккизоёқлар». Бадиий фильм, 4-серия. 18.15—Волгоград телевидение студияси программаси. 19.10—Дунёвоқеалари. 19.30—XIX партия конференцияси белгилаб берган йўлдан. 19.55—Фильм-концерт. 20.25—Актуал объектив. 21.30—Время. 22.05—Қайта қуриш прожектори. 22.15—Ашуллар! 23.30—Интерсигнал. 00.05—Ҳужжатли фильм. 00.30 — Нигоҳ.

МТ-II. 9.00—Гимнастика. 9.20—Фильм-концерт. 9.50—Инглиз тили. 10.20—Мультфильм. 10.55 Илмий-оммабоп фильм. 11.15—Болалар учун фильм. 11.50—Инглиз тили. 12.20—«Зина-Зинуля». Бадиий фильм. 13.45—Ҳужжатли фильмлар. 14.20—Янгиликлар. 14.30 — «Оловли йўллар» Бадиий фильм. 4-серия. 18.20 — Янгиликлар. 18.30 — Концерт. 19.30—Ҳайвонот оламида. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45—Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун. 21.15—Халқ куйлари. 21.30—Время. 22.05—Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Юзма-юз тўқнашув». Бадиий фильм. 23.40—Янгиликлар.

УзТВ-I. 15.10 — Фильм-концерт. 15.35—«Палата». Бадиий фильм. 17.00 — Ҳужжатли фильм. 17.20 — «Абитуриент-88». 18.00—Санъат ғунчалари. 18.30—Ўсмир ва қонун. 19.00 Сифатли сугориш — мўл ҳосил гарови. 19.30—Ўзбекистоннинг қадимий маданий ёдгорликлари. 20.00—Ахборот. 20.15 Комсомол прожектори. 20.30—Ахборот. 20.50—Қизлар гулдастаси. 21.30—Время. 22.05—Қайта қуриш прожектори. 22.15—Эртага премьера. 23.25 Бугун оламда нима гап?

УзТВ-II. 19.10 — Телефильмлар. 20.00 — Инсон ва замин. 21.00—Кескин танқид остида. **Душанба:** 21.30—Время. 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15— Гаджина. 23.05— «Арзон нархда». Бадиий фильм.

РАДИО

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ўзбекистон композиторларининг қўшиқлари. 9.30 — О. Отахонов куйлайди. 9.45 — Бу ҳақда XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида гапирилган эди. 10.15 — Чолғу куйлари. 12.10 — Ўзбекистон бинокори. 12.30 —Дуторчи қизлар ансамбли ижро этади. 13.00 — Ўзбекистон чорвадори. 13.30 — М. Магомаев куйлайди. 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 15.30 — «Ақлли қуён». Радиокомпозиция. 15.50 — Чиннигул болалар хори ижро этади. 16.30 — «Коммунист» журнали навбатдаги сонининг нашрдан чиқиши муносабати билан. 18.15 — В. И. Ленин асарларини ўрганамиз. 18.30 — Танбур тароналари. 18.40 — Ленинча дўстлик байроғи остида. 19.20 — Огонёк. 20.15 — РСДРП II съезднинг 85 йиллигига. 20.30 — Ёшлик куйлайди. 21.00 — Қишлоқ меҳнаткашларининг талабларига биноан концерт. 23.10 — «Юзма-юз». Радиоспектакль.

Редакция адреси: 700083, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ
(«Советский Узбекистан»)
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР
Издается на узбекском языке

Р—10871. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. А. — 172. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12